Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5-йил чиқиши.
25 НОЯБРЬ 1970 й
ЧОРШАНБА
№ 278 (1346).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БУГУН ТОШКЕНТДА Ё Ш ПАХТАКОРЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ VI СЛЁТИ ОЧИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ НАВБАТДАГИ XVIII СЪЕЗДИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XXI ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

1. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг навбатдаги XVIII съезди 1971 йил 18 февралда чақирилсин.

2. Съезднинг қуйидаги кун тартиби тасдиқлансин:

1). Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳисобот доклади. Докладчи—Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ.

2). Ўзбекистон Коммунистик партияси Ревизия комиссиясининг ҳисобот доклади. Докладчи — Ревизия комиссиясининг раиси ўртоқ К. КАРИМОВ.

3). 1971-1975 йилларда СССР Халқ хўжалигини ривожлантириш беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съезди Директиваларининг лойиҳаси. Докладчи — Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Р. Қ. ҚУРБОНОВ.

4). Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетига ва Ревизия комиссиясига сайлов.

3. Ўзбекистон Коммунистик партияси XVIII съездига вакиллар сайлашнинг қуйидаги нормалари белгилансин: КПССнинг ҳар 300 аъзосидан ҳақиқий овозга молик бир делегат ва партия аъзолигига ҳар 300 кандидатдан маслаҳат овозига молик бир делегат.

4. Ўзбекистон Коммунистик партияси XVIII съездига ва КПСС XXIV съездига делегатлар, партия Уставига мувофиқ, область партия конференцияларида ёпиқ (яширин) овоз бериш йўли билан сайланади.

Совет Армияси қисмлари, ички ва чегара қўшинлари партия ташкилотлари ҳисобида турган коммунистлар делегатларни тегишли партия ташкилотлари билан бирга область партия конференцияларида сайлайдилар.

ВЕНГРИЯ СОЦИАЛИСТИК ИШЧИ ПАРТИЯСИНИНГ X СЪЕЗДИДА

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Муҳтарам съезд делегатлари!

Азиз ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг делегацияси бизга съездингиз ишида қатнашиш имконияти берилганлиги учун астойдил миннатдорчилик изҳор қилади.

Совет Иттифоқи коммунистларининг 14 миллионли армияси номидан, барча совет меҳнаткашлари номидан Венгрия Социалистик ишчи партияси X съезди делегатларига, бутун венгер коммунистларига, бутун венгер халқига қизғин қардошлик саломимизни йўллаймиз.

Сизнинг партиянгиз съездида қатнашиш имкониятини биз катта шараф деб ғина эмас, шу билан бирга қардош партиялар ҳамкорлигининг, тажрибани ўзаро баҳам кўришнинг муҳим формаси деб ҳам билиб, юксак баҳолаймиз. Айни съезддаги ишчанлик вазиятида курашдош ўртоқларнинг ишлари ва режаларини бутун тўлалигича ҳис қилиш, социализм қурилишининг туб проблемаларига доир қарорлари коллектив бўлиб ишлаб чиқишнинг ижодий жараёнида бевосита қатнашиш мумкин.

Биз Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг ўртоқ Янош Кадар баён этиб берган ҳисобот докладини зўр эътибор ва мароқ билан тингладик. Социалистик Венгриядаги ишлар ва ривожланишнинг тўрт йиллик якунлари шу докладда анализ қилиб берилганлиги венгер коммунистлари ўзининг IX съездида режалаштирган ишлар рўёбга чиқарилганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Венгер коммунистларининг ва Социалистик Венгрия бутун меҳнаткаш халқининг муваффақиятлари, сиз белгилаётган янги истиқболлар, бошқа қардош мамлакатларнинг ютуқлари коммунистлар партияси ўзининг жамиятдаги раҳбарлик ролини қатъият ва изчиллик билан амалга оширган шароитда социализмнинг бунёдкорлик имкониятлари нақадар улкан эканлигини қайта-қайта исботлаб турибди. Партия ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлиларни жипслаштиради, уларнинг куч-ғайратларини бир бутун қилиб бирлаштиради. Партия ўртага қўйилган мақсадларга эришишнинг энг тўғри йўлларини кўрсатиб беради, социализм қуришнинг умумий қонуниятларига оғишмай амал қилади ҳамда ўз мамлакатининг миллий ва тарихий хусусиятларини ҳисобга олади.

Венгрия Социалистик ишчи партияси, унинг венгер халқининг содиқ фарзанди, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли ва ҳурматли арбоби ўртоқ Янош Кадар бошчилигидаги Марказий Комитети катта ва чинакам ижодий иш олиб бормоқда.

Биз, совет коммунистлари венгриялик ўртоқларимизнинг мамлакат халқ хўжалиги самарадорлигини ошириш учун, социалистик мулкчиликни янада мустаҳкамлаш учун олиб бораётган курашини яхши биламиз. Партиянгизнинг ишлаб чиқариш социалистик усули афзалликларидан тўлиқ фойдаланиб, марказдан планлаштиришнинг иқтисодий омилларини қўлланиш билан бирга қўшиб олиб бориш йўлидаги интилишини яхши биламиз. Венгрия Социалистик ишчи партияси социалистик демократияни ривожлантириш йўлини изчиллик билан ўтказиб келаётганлигини, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга доимо катта эътибор бераётганлигини, буржуа идеологиясига қарши, марксизм-ленинизм назариясини ўзгартиришга қаратилган ҳар қандай ҳужумларга қарши ҳормай-толмай курашиб келаётганлигини ҳам биламиз.

Социалистик жамиятни ривожлантиришнинг энг муҳим проблемаларини ҳал этишга ана шундай принципиаллик билан қараётганлигини Совет Иттифоқи коммунистлари тўла-тўкис тушунмоқдалар ва юксак баҳоламоқдалар. Буни биз партияларимизни азалдан бирлаштириб келаётган бузилмас бирлик ва жанговар революцион бирдамлик муносабатларининг энг муҳим исботи деб биламиз.

Ўртоқлар! Социализм ва коммунизм учун кураш кўпгина қийин вазифаларни ҳал этишни талаб қилишини биз ҳаммамиз яхши биламиз. Социалистик ва коммунистик қурилишни ривожлантиришнинг ҳар бир янги марраси партияларимиз олдига ўзининг мураккаб проблемаларини қўяди. Бу табиий диалектик жараёндир. Коммунистлар эришилган натижалар билан хотиржам бўлиб қолмайдиган кишилар ҳамиша истиқбол сари дадил олга борадилар. Ўртоқ Кадар доклади ҳам, съездингиздаги бутун вазият ҳам буни яна бир карра яққол кўрсатиб турибди. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва бошқа социалистик мамлакатлардаги қардош партияларнинг фаолияти тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Лекин, ўртоқлар, энг асосий нарса шуки, ижтимоий ривожланишимизнинг ҳозирги даври ўртага қўйётган вазифаларни муваффақиятли ҳал этмоқ учун социализм мамлакатларининг коммунистлари зарур бўлган ҳамма имкониятларга эгадирлар.

Совет Иттифоқига, Венгрия Халқ Республикасига, бошқа социалистик мамлакатларга ҳозир ҳамма жойда гуркираб ўсиб келаётган янги дунё бинокорларининг биринчи сафларида бўлишдек тарихий вазифа муяссар бўлди. Халқаро майдонда меҳнат аҳли билан эксплуататорлар ўртасида, социализм, озодлик, тинчлик, тараққиёт кучлари билан империалистик реакция, зулм ва агрессия кучлари ўртасида ўткир синфий кураш тинимсиз давом этмоқда.

Бу кураш фронти бениҳоя кенг, бу кураш турли шаклларда, тинч ва нотинч йўллар билан олиб борилмоқда. Бизнинг зўр ғайрат билан қилаётган меҳнатимиз, капиталистик мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг ўз социал озодлиги учун олиб бораётган кураши, халқларнинг эски ва янги мустамлакачиликка қарши ҳужуми — ана шуларнинг ҳаммаси буюк синфий жанглар ягона занжиридаги халқадирки, яна шу жанглар алангасида бутун инсониятнинг порлоқ келажаги бунёдга келмоқда.

Йил сайин шаҳдам одимлар билан ривожланиб, мустаҳкамланиб бораётган жаҳон социалистик системасининг мавжудлиги ҳаммамизнинг энг буюк мулкимиздир. Ҳозирги вақтда Европадаги социалистик ҳамдўстлик қудратли иқтисодий потенциалга эга. Бизнинг юксак даражада ривожланган саноатимиз, муттасил олға босаётган қишлоқ хўжалигимиз, катта-катта ҳом ашё ресурсларимиз бор. Совет Иттифоқида, Халқ Венгриясида, бошқа социалистик мамлакатларда ишчилар, техниклар, инженерлар, олимларнинг ажойиб кадрлари, янги жамият қуриш учун эътиқодли курашчилар, иқтисодий ва фан-техника тараққиётининг энг катта ва мураккаб вазифаларини ҳал эта оладиган кишилар ўсиб пояга етди.

Бизнинг ихтиёримизда социалистик давлатлар ривожини тезлаштиришга ёрдам берадиган жуда яхши восита бор. Бу восита — бизнинг ўзаро мададкорлигимиз, ўзаро ёрдамимиз, социалистик интернационализм практикасидир. Бундай шароитда ҳар бир социалистик мамлакатнинг муваффақияти ҳаммамизнинг мулкимизга, ҳаммасининг муваффақиятлари эса социалистик давлатлар оиласининг ҳар бир аъзоси мулкига айланади.

Тўла асос билан айтиш мумкинки, кейинги йилларда социализм мамлакатлари ҳамкорлигининг самарадорлигини ошириш масалаларини қардош партияларнинг диққат марказида бўлиб келди. Биз экономикада, сиёсатда, идеология соҳасида, мудофаа ишларида ҳаммамиз ўз куч-ғайратларимизни яқиндан мувофиқлаштириб олиб бормоқдамиз.

Иқтисодий соҳада кейинги вақтда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар 1971—1975 йилларга мўлжалланган халқ хўжалиги планларини мувофиқлаштириб олганликлари бундай ҳамкорлик даражасини оширишнинг муҳим босқичи бўлди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши қатнашчиларининг бирик хўжалик лойиҳаларини амалга оширишда ҳамкорлик қилиш соҳасида яхши тажрибаси бор. Лекин социализм мамлакатларининг экономика соҳасидаги ҳамкорлигини янги, сифат жиҳатидан анча юксак даражага кўтариш зарурлиги ва мумкинлигини ҳозир ҳаммамиз кўриб турибмиз. Ҳаммамиз актив куч-ғайрат сарфлаб ҳал этишга ҳаракат қилаётган туб масала — социалистик иқтисодий интеграцияни ривожлантириш масаласидир. Фан-техника тараққиёти муваффақиятларидан активи фойдаланган ҳолда иқтисодий интеграцияни амалга ошириш — ҳаммамизнинг умумий йўлимиздир. Зотан биз шунга аминмизки, бу йўл социалистик мамлакатларни янги ғалабаларга олиб боради, дунё экономикасида жаҳон социализмининг позицияларини тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлайди.

Кейинги йиллар мобайнида КПСС, Венгрия Социалистик ишчи партияси, бошқа қардош партиялар, мамлакатларимизнинг ҳукуматлари **сиёсий ҳамкорлигимизни** янада кўпроқ мустаҳкамламоқ. Варшава шартномаси ташкилотини мустаҳкамламоқ учун бир талай меҳнат сарфладилар. Қилинган ишни ижобий баҳолаш учун барча асосимиз бор деб ўйлаймиз.

Эндиликда бизда актуал масалалар юзасидан маслаҳатлашиб олишнинг дурустгина тажрибаси ҳам тарихи топди. Ана шу маслаҳатлашувлар халқаро майдондаги ҳаракатларимизни мувофиқлаштириб олиб бориш имконини беради ва айни вақтда Варшава шартномасидаги ҳар бир қатнашчининг ташқи сиёсий позицияларини мустаҳкамлайди.

Иттифоқдош **қуролли кучлар** самарадорлиги анча мустаҳкамланганлиги ҳаммамизнинг муваффақиятимиздир. Кейинги йилларда ўтказилган катта-катта ҳарбий машқлар Варшава шартномасидаги дўст армияларнинг биргалашиб ҳаракат қилиши ва жанговар маҳорат даражаси юксак эканлигини, улар энг мураккаб ҳарбий вазифаларни ҳал этишга қодир эканликларини кўрсатди ва бизнинг қуролдош қардошлигимиз ҳар қандай агрессорни жиловлаб қўйишнинг ишончли воситаси эканлигини яна бир марта исботлади. 15 йилдан ортиқ вақтдан бери социалистик давлатларнинг ҳарбий-сиёсий иттифоқи социализм манфаатларига, Европа ва халқаро хавфсизлик манфаатларига яхши хизмат қилиб келмоқда. Бу иттифоқ социалистик ва коммунистик қурилиш учун ҳаммамизга қулай ташқи шароитларни таъминлашга ёрдам бермоқда. Бу иттифоқ Европада ва бошқа қитъаларда ҳам мустаҳкам тинчликнинг салмоқли омилидир.

Жаҳон социалистик системасининг умумий истиқболлари тўғрисида, эртанги кунимиз тўғрисида зўр умидворлик билан гапирамиз. Ишчилар синфининг идеаллари учун, меҳнаткашлар оммасининг идеаллари учун курашда синалган қуролимиз бор. Бу қурол — марксизм-ленинизм назариясидир. Тарихий ривожланишнинг умумий қонунларини анализ қилиш ва ҳисобга олишга асосланган, ҳар қандай андозачиликка, ҳар қандай қотиб қолган догмаларга зид бўлган бу таълимот социалистик давлатларнинг революцион практикаси билан, жаҳон коммунистик, ишчилар ва миллий озодлик ҳа-

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

24 ноябрда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XXI пленуми бўлиб ўтди. Пленумга область партия комитетларининг саноат ва қишлоқ хўжалиги масалалари билан шуғулланувчи секретарлари, шаҳар, район партия комитетларининг биринчи секретарлари таклиф қилинди.

Пленум қуйидаги масалаларни муҳокама қилди:

1. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг навбатдаги XVIII съездини чақириш тўғрисида.

2. Республика партия ташкилотининг саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини янада ошириш соҳасидаги вазифалари.

3. Республикада чорвачиликнинг аҳволи ва уни янада ривожлантириш чоралари тўғрисида.

Пленум кун тартибидаги биринчи масала юзасидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Ш. Р. Рашидов** сўзга чиқди.

Иккинчи масала юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ **И. Г. Анисимкин** доклад қилди.

Шу масалани муҳокама қилишда Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари **Б. М. Истомин**, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари **С. Н. Усмонов**, Андижон область партия комитетининг биринчи секретари **Б. Р. Раҳимов**, Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари **В. В. Окунский**, Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари **Ф. Ш. Шамсиддинов**, Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министри **М. Иброҳимов**, Фарғона тўқимачилик комбинати партия комитетининг секретари **Л. Н. Натикач**, Ўзбекистон ССР қурилиш министри **С. И. Иброҳимов**, Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетининг раиси **Н. Маҳмудов**, Урта Осиё темир йўлининг бошлиги **А. М. Қодиров**, Ўзбекистон ССР енгил саноат министри **Ф. Хўжаев** қатнашдилар.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ **И. Р. Қурбонов** ахборотини тингладн.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Ш. Р. Рашидов** якунловчи нутқ сўзлади.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан пленум тегишли қарорлар қабул қилди.

«ЎЗБЕКИСТОН» ЙЎЛГА ЧИҚДИ

«ЎЗБЕКИСТОН» ТУРИСТИК ПОЕЗДИ ЗАКАВКАЗЬЕ РЕСПУБЛИКАЛАРИ БЎЙЛАБ САФАРГА ЧИҚДИ. Пахтакорлар орасида «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг механизатори А. Нурматов, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг моҳир теримчилари А. Йўлдошева, Н. Абдуназарова ва бошқалар бор. Пахтакорлар 22 кун давомида Пятигорск, Боку, Ереван, Тбилиси, Батуми, Адлер, Волгоград шаҳарларини томоша қиладилар.

Тошкент областининг азамат пахтакорлари она — Ватан хазинасига 379 минг тоннадан ортиқ дурдона тўкдилар. Уларнинг меҳнати баракали бўлди. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик ходимлари область касаба союзи Совети пахтакорларнинг махсус туристик поездини ташкил қилди.

Бугун

ДЎСТЛАР ТУҲФАСИ

Бугунги кунда шаҳримиз кўчалари ва майдонларидан ўтганингда, унинг биноларига қараганингда ундаги ҳар бир тошда ва ғиштда дўстлик, ўзаро ҳамкорлик ва биродарлик ғояларининг ифодасини кўрасан киши. Шаҳримизнинг турли жойларида москвaликлар, ленинградликлар, белоруслар, украинлар ва грузинлар қурган кварталлар кўкка виқор билан бўй чўзиб турибди. София проспектида эса Болгария Халқ Республикасининг қурувчилари томонидан бунёд қилинган улкан билим даргоҳини кўриш мумкин.

Кеча

бу ерда Халқаро Коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг кўзга кўринган арбоби Георги Димитровга ўрнатилган ҳайкал ва унинг номи билан юритилувчи мактабнинг тантанали суръатда очиш маросими бўлди. Ҳар бирида фахрий қоровулда саф тортдилар., ўқувчилар — шаҳардаги ҳамма мактабларнинг вакиллари линейка ҳосил қилишди. Кишилар қўлидаги «Болгар ва совет халқлари дўстлиги мустаҳкамлансин!» сўзлари ёзилган транспарантлар кўз шабадасида хилпираб турибди. Митингда ҳайкални ва мактабни очиш тантаналарида қатнашиш учун келган Болгария Халқ Республикаси делегацияси иштирок этди. Бу делегацияга Болгария Халқ Республикаси санъат ва маданият комитетининг раиси П. Матев бошчилик қилмоқда.

Митингда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, Р. Қ. Қурбонов, О. У. Салимов, М. Т. Турсунов, республиканинг бошқа раҳбар ходимлари қатнашдилар. Ҳарбий оркестрнинг тантанали марши янграйди.

Болгария Халқ Республикаси, СССР ва Ўзбекистон ССР Давлат гимнлари садоси остида болгар халқининг улуғ фарзанди ҳайкали устига ёпилган сурп туширилади ва ҳайкал постаментидаги қуйидаги сўзлар аниқ кўринади: «Георги Димитров. 1882—1949 йиллар».

Митингни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **С. Р. Расулов** очди.

— Бошимизга кулфат тушганда болгар рияллик дўстларимиз бизга ёрдам қўлини чўздилар, — деди у. — Мана бугун эса биз уларга ажойиб мактаб инъом этганликлари учун қалбдан ташаккур билдирамиз. Бу мактаб Коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг таниқли арбоби Георги Димитров номи билан юритилади. Тошкентга илм маскани инъом этилганлиги чуқур маънога эга. Илм бизга ижод қилиш ва яратишда, ер юзида энг юқори маънавий ва моддий маданият — коммунизм барпо қилишда зарурдир. Худди шунинг учун ҳам биз болгарларнинг қурувчиларнинг жимматидан миннатдормиз. Болгар ва совет халқлари ўртасидаги дўстлик ва қардошлик мустаҳкамлансин ва гуллаб-яшнасин!

Митингда сўзга чиққан асбобсозлик заводининг слесарь - асбобсозн, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **А. Ефимков**, Георги Димитров номидаги мактаб илмий бўлим мудири **Ш. Рихсиева**, Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти **С. Сирожиддинов** ҳам шаҳримиз меҳнаткашлари номидан болгарлик қурувчиларга чуқур миннатдорчилик билдирдилар. Болгария Халқ Республикаси маданият ва санъат комитети раиси **Павел Матев** халқларимизнинг бузилмас дўстлиги, қардошларча ҳамкорлиги ҳақида гапирди.

Яна оркестрнинг тантанали марши янгради. Пионерлар болгарияли меҳмонларга, қурувчиларга гулдасталар тақдим этишди. Меҳмонлар ва шаҳар жамоатчилиги вакиллари тантанали суръатда янги мактаб биносига кирдилар.

БЕТОНЧИЛАР МАРРАГА ЕТДИ

Бугун

шаҳар ободонлаштириш бошқармасига қарашли «Гордорстройремонт» трестининг темир-бетон буюмлари заводи коллективи йиллик планни муддатидан илгари бажарди.

Корхона қурилишларга 10 минг куб метр темир бетон материаллари етказиб берди.

Меҳнат вахтасида турган завод меҳнатчилари йил охиригача планга қўшимча равишда 2 минг куб метр темир-бетон тайёрлаш мажбуриятини олдилар.

ШОИР МЕМОРИАЛ ХОНАСИ

Узбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилган кунининг 80 йиллиги республикамизда кенг нишонланмоқда. Алишер Навоий номли адабиёт музейи коллективи юбилей муносабати билан шоирнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи ,турли хил архив материалларидан иборат кўргазма тайёрлади.

Бу кўргазма шоир учун ажратилган махсус мемориал хонага жойлаштирилди.

Музейда ҳозирги пайтда Ҳамзанинг 130 та папкада жойлашган қўлёзмалари, хатлари, турли хил ёзишмалари авайлаб сақланмоқда. Бу архивни ўрганиб чиқиш ва тартибга солиб, нашрга тайёрлаш устида иш олиб бориляпти.

Кўргазманинг махсус бўлимн Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижодининг Ўрта Осиё республикалари ёзувчиларига таъсири ҳақида ҳикоя қилади.

ШИФОБАХШ ДАРГОҲ

Ўрта Осиё темир йўл бошқармасининг «Дорпроект» лойиҳа институти инженерлари янги шифохона лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашга киришдилар. Бу шифохона Ховост темир йўл станцияси яқинидаги Ховоғот қишлоғида қурилади.

Янги шифохона тўрт қаватли корпус ва бир неча кичик бинолардан иборат бўлади. Маълумки, бу ерда даволаш ишлари шифобахш сув воситасида олиб борилади. Олимлар бу ердан топишга муяссар бўлган янги шифобахш сув Кавказдаги Мацеста минерал сувидан қолишмайди. Янги сув, айниқса, бод касалликларини даволашда қўл келади.



Суратда: мактаб ва Г. Димитровга ўрнатилган ҳайкални очиш маросими.

И. Душкин фотоси. (ЎзТАГ).

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқининг давоми

(Боши 1-бетда).

ракатининг кўп қиррали тажрибаси билан доимо бойиб бормоқда. Буржуа идеологларининг ва уларнинг ҳам ўнг, ҳам «сўл» ревизионистик гумашталарининг социализм ва коммунизм қурувчиларини тўғри йўлдан оздириш, уларнинг йўлига ғовғарона уйдирмалар, сафсаталар ва сохтакорликлардан иборат хира парда тўсиш мақсадидаги уринишлари коммунистларнинг муносиб зарбасига дуч келмоқда. Коммунистик ва ишчи партияларнинг марксизм-ленинизмга садоқати — бундан буёнги ғалабаларимизнинг мустаҳкам гаровидир.

Шу кунларда шарқи-жанубий Осиё ҳамон шиддатли жанглар жабҳаси бўлиб турибди. Бу райондаги Вьетнам, Лаос, Камбоджа халқлари социализм мамлакатларининг ва бутун дунёдаги прогрессив кучларнинг мадади билан қўлларига қурол олиб, ўз озодлиги ва мустақиллигини империалистлардан ва уларнинг малайларидан қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқдалар. Яқин Шарқ халқи озодлик кураши жаҳоншумул фронтининг муҳим қисми бўлиб турибди. Бу ерда империалистлар Исроил агрессорларидан фойдаланиб, араб давлатлари мустақиллигини тугатмоқчи, тараққиёт йўлини танлаб олган араб давлатларининг ижтимоий ривожини орқага буриб юбормоқчи, уларни қарамликка ҳамда халқаро капитал ва унинг гумаштаси эксплуатация қиладиган ҳолатга яна солиб қўймоқчи бўладилар. Латин Америкаси мамлакатларида чинакам мустақиллик ва социал тараққиёт учун кураш тобора кенг кўламда қизиб бормоқда. Империализм қўрғонларининг ўзида — Америка Қўшма Штатларида, Англия, Италия, Японияда, бошқа капиталистик мамлакатларда мислсиз кенг миқёсда синфий жанглар кучайиб бормоқда. шу мамлакатларнинг ишчилар синфи ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини тобора қатъият билан талаб қилиб чиқмоқда.

Шу кунларда Европа қитъаси бир-бирига зид икки системанинг актив кураш ва ўзаро ҳаракат майдони бўлиб қолди. Социалистик мамлакатлар Европадаги ҳамма халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашнинг актив тарафдорлари бўлиб чиқмоқдалар, китъамизда турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципларини амалда қарор топтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Хаммамизнинг фикримизча, бу сиёсат социализм ва демократия учун курашаётган революцион кучларнинг манфаатларига, ҳамма халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушади.

Социалистик давлатларнинг кудратли ҳамдўстлиги ҳозирги Европа халқаро ҳаётида жуда катта ижобий роль ўйнаётганлигини эндиликда ҳеч ким инкор қила олмайди. Социалистик давлатларнинг сиёсатигина кейинги йилларда Европадаги сиёсий иқлимни анча соғломлаштиришга ёрдам берган омилларнинг энг асосийси бўлди.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг Франция билан ва Ғарбий Европадаги бошқа айрим давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини самарали равишда ривожлантириш турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшашдан иборат ленинча принципларга асосланган социалистик мамлакатлар сиёсатининг катта муваффақияти бўлди. Бу муносабатлар Европада ҳам, бутун дунёда ҳам тинчлик ишига ва кескинликни юмшатишга ҳиссат қилади.

Совет Иттифоқи билан Германия Федератив Республикаси ўртасида шартнома тузилганлиги ва Польша Халқ Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги шартнома яқинда келишиб олинганлиги ҳам ҳамдўстлигимизнинг кўп йиллар мобайнида ўзаро келишиб олиб бораётган принципиал сиёсатининг ва, афтидан, Германия Федератив Республикаси аҳолиси кенг доиралари кайфияти таъсири остида ГФР янги ҳукумати тутган реалистик позициянинг натижаси бўлди. Бу ҳужжатлар Европадаги ишларнинг реал аҳволини, — иккинчи жаҳон урушида халқларнинг озодлик кураши натижасида таркиб топган аҳволни равшан тан олишга асосланади. Бу ҳужжатлар Европа давлатлари ўртасида кўп соҳаларда тинч ҳамкорликни ривожлантириш учун яхши шарт-шароит яратади ва айни вақтда Германия Демократик Республикасининг ҳамда бошқа социалистик мамлакатларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилади.

Хавфсизлик масалаларига бағишлаб Европа кенгаши чақириш тўғрисидаги таклифни ҳам айни социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ўртага қўйишди. Европадаги кўпчилик давлатлар бу таклифни хайрихоҳлик билан кутиб олдилар, ҳозир шу таклифни рўёбга чиқариш йўлида иш олиб борилмоқда.

Ана шу ва бошқа кўп йирик ташқи сиёсий чора-тадбирлар социалистик мамлакатларнинг **келишиб биргаликда** ўтказган сиёсати натижасидирки, буни яна бир карра таъкидлаб ўтмоқ керак. Зотан бирлигимиз ва ҳамкорлигимиз ҳамда ҳар бир мамлакатимиз пухта мувофиқлаштириб борилса, — биз мамлакатларимиздан ҳар бирининг манфаатлари йўлида, жаҳон социализми манфаатлари йўлида, барча демократик ва тинчликсевар кучлар манфаатлари йўлида, ташқи сиёсат соҳасида шу қадар кўп муваффақиятларга эришаверамиз.

Ўртоқлар! Венгрия Халқ Республикасининг актив ташқи сиёсатини ва Венгрия Социалистик ишчи партиясининг чинакам интернационалистик фаолиятини бизнинг партиямиз жуда юксак баҳолайди. Венгер дўстларнинг коммунистик ва ишчи партиялар халқаро кенгашини тайёрлашдаги актив ролини кўпдан-кўп мамлакатларнинг коммунистлари миннатдорчилик билан таъкидламоқдалар. 1969 йилда бўлиб ўтган бу кенгаш ҳаракатимиздаги энг катта воқеа бўлганлигини ўзларингиз биласиз. Кенгаш коммунистик сафларни жипслаштиришга, механизаторлар оммасининг империализмга қарши революцион курашини янада юксалтиришга ёрдам берди. Бу кураш ер юзининг ҳамма жойларида янги-янги ғалабаларга эришмоқда. Ҳозирги замоннинг революцион кучлари — жаҳон социалистик системаси, ишчилар синфи, миллий озодлик ҳаракати қадам-бақадам империализмни қисиб бормоқдалар.

Азиз ўртоқлар!

Янги жамият қуриш, янги кишини тарбиялаб вояга етказиш соҳасидаги бунёдкорлик ишида, ҳамма мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг эзгу манфаатлари йўлидаги олижаноб курашда коммунистлар, аввало социализм мамлакатларининг коммунистлари кўпгина ғалабаларга эришдилар. Лекин келгусида ҳали кўп қийинчиликларга дуч келишимизни, кўп куч-ғайрат сарфлашимиз ва кўпдан-кўп жангу-жадаллар олиб боришимиз керак бўлишини яхши биламиз. Ўз мамлакатларимиз ичидаги ва халқаро майдондаги фаолиятимизда ҳам Владимир Ильич Ленининг қуйидаги ўлмас сўзлари бизга ҳамиша йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилади:

«Синфий кураш давом этмоқда; бу кураш ўз формаларининггина ўзгартирган, холос. Пролетариатнинг бу синфий кураши эски эксплуататорларнинг қайтиб кела олмасликлари учун олиб борилаётган курашдир... Синфий кураш давом этмоқда ва бизнинг вазифамиз — ҳамма манфаатларни шу курашга бўйсундиришдир. Биз ҳам ўзимизнинг коммунистик ахлоқимизни бу вазифага бўйсундирамиз. Биз: ахлоқ эски эксплуататорлар жамиятини емириш ва барча меҳнаткашларни янги коммунистлар жамияти қураётган пролетариат теварагига бирлаштиришга ҳизмат қиладиган нарсадир, деймиз» (Асарлар, 31-том, 301-бет).

Биз, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегациясининг аъзолари шу съезд минбаридан туриб ўртоқ Янош Кадарнинг партиямиз номига айтган самимий сўзларидан миннатдормиз. Сизларни ишонтириб айтмоқчиманки, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси маркса-ленинча идеалларимиз учун биргаликда олиб борилаётган курашда социализм мамлакатларининг жипслигини барча қардош партиялар билан биргаликда бундан буён ҳам мустаҳкамлаб боришни ўзининг олий бурчи деб билиб келди ва шундай деб билмоқда. Совет халқи ҳозир мамлакат ҳаётида муҳим воқеа — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съезди арафасида яшамоқда ва ишламоқда. Биз съездга яхши натижалар билан бормоқдамиз. КПССнинг аввалги, XXIII съезди қўйган вазифалар муваффақиятли бажарилмоқда. Совет кишиларининг фидокорона меҳнати натижасида мамлакат экономикаси янада ривожланди, халқ фаровонлиги даражаси анча ошди. Шу йилларда совет фани ва техникаси муваффақиятли ривожланди. Совет кишиларининг қўли билан яратилган «Луноход-1» автомат тадқиқотчини Ойга қўндириш юзасидан тарихда биринчи марта ўтказилган экспериментнинг порлоқ муваффақияти — бунинг ёрқин далилларидан биридир.

Ҳозир Совет Иттифоқи Коммунистик партияси келгуси давр режаларини белгилаётган вақтда аввалгидек шу режаларни ҳаммамизнинг интернационал вазифаларимиз билан узвий равишда боғлаб юборишга ҳаракат қилмоқда. Биз келгуси йилларнинг социалистик ҳамдўстликка янги ғалабалар бахш этишига аминмиз ва умумий ишимизнинг тантанаси учун зарур бўлган ҳамма ишларни қилишга азми қарор берганмиз.

Нутқимни тамомлаб, Венгрия Социалистик ишчи партиясига, қардош Венгриянинг барча меҳнаткашларига социалистик қурилишда, индустрия ва қишлоқ хўжалигини, фан, маданият, маориф, халқ фаровонлигини юксалтиришда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман. Венгрия Социалистик ишчи партиясининг X съезди белгилаб бераётган катта вазифаларни ҳал этишда сизларга чин кўнгилдан салмоқли ғалабалар тилаймиз.

Совет ва венгер коммунистларининг, мамлакатларимиз халқларининг қадимий ва қалин дўстлиги, шу дўстликнинг жанговар революцион анъаналари рамзи сифатида партиямиз Марказий Комитетининг совғасини — совет рассоми Кузнецовнинг «Яшасин революция!» деган картинасини съездга топширишга ижозат бергайсиз, азиз ўртоқлар. Картинада Владимир Ильич Ленининг меҳнаткашларнинг умумий ҳарбий таълим куни шарафига 1919 йил 25 майда Москва Қизил майдонида ўтказилган парадда нутқ сўзлаб турган пайти тасвирланган. Венгрия революциясининг элчиси — Венгрия Совет Республикасининг комиссари ўртоқ Тибор Самуэли шу куни Ленин билан ёнма-ён турган ва Владимир Ильич ўз нутқида уни қизғин табриклаган эди. Ўша даҳшатли даврларда халқларимиз жаҳон капитализмига қарши биргаликда курашган эдилар. Эндиликда улар биргаликда янги дунё қурмоқдалар. Улар порлоқ келажак — коммунизмга бирга борадилар!

Яшасин Совет Иттифоқи билан халқ Венгриясининг қалин бузилмас дўстлиги, совет ва венгер коммунистларининг қардошларча жанговар иттифоқи!

Яшасин меҳнаткашларнинг авангарди, социалистик қурилиш раҳбари ва ташкилотчиси — Венгрия Социалистик ишчи партияси!

Социализм мамлакатлари, коммунистик ҳаракат, барча антиимпериалистик кучлар жипслиги, бирлиги ва ҳамкорлиги мустаҳкамланаверсин!

Яшасин тинчлик ва коммунизм!

(Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқи зўр эътибор билан тингланди ва бир неча марта гулдурос, давомли қарсаклар билан бўлиниб турди).

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг Венгрия социалистик ишчи партиясининг X съездига йўллаган табригини президиумга топширади. Залда яна гулдурос, давомли қарсаклар чалинади.

РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XXI ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми «Республика партия ташкилотининг саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини янада ошириш соҳасидаги вазифалари» масаласи юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ И. Г. Анисимкивнинг докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, шуни таъкидлайдики, Республика партия ташкилоти КПСС XXIII съездининг қарорларини амалга ошира бориб, беш йиллик план топшириқларини бажаришга, саноат ишлаб чиқаришни самарадорлигини оширишга меҳнаткашларни сафарбар этиш соҳасида кўп иш килди.

Беш йиллик мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 34 процент кўпайди. Халқ хўжалигида техника тараққиётини белгиловчи соҳалар илдам суръатлар билан ривожланмоқда. Рангли металлургияда ишлаб чиқариш ҳажми 1,9 баравардан зиёд, химия саноатида 1,8 баравар ортди.

Электроэнергетика, газ саноати, машинасозлик тез суръатлар билан юксалди. Янги соҳа — олтин қазиб чиқариш саноати вужудга келтирилди.

Республика саноатига 3,5 миллиард сўм сарфланди. Кўпгина йирик саноат иншоотлари қурилиб, ишга туширилди. Беш йиллик даврида асосий ишлаб чиқариш фондлари 1,5 баравардан зиёд кўпайди.

Республика саноатида хўжалик ислоҳоти тобора кенг кўламда амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда барча корхоналарнинг 70 процентидан кўпроғи янгича иш олиб бориб, саноатда олинаётган бутун фойданинг 90 процентини бермоқда.

Саноатнинг барча тармокларини техника билан қайта қуроллантириш соҳасида кўп иш қилинди. Кўп корхоналарда янги техника, илғор технология жорий қилинмоқда. Беш йиллик даврида янги техника, илғор технологияни жорий қилиш натижасида 90 миллион сўмдан ортиқ маблағ тежалди. Меҳнат унумдорлиги қариб 16 процент ошди, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати яхшиланди, унинг таннархи камайди, бошқа техника — иқтисодий кўрсаткичлар ҳам яхшиланди.

Шу билан бирга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми қайд қилиб ўтадики, республикадаги кўп корхоналарда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш учун фойдаланилмаётган жуда катта резервлар ва имкониятлар бор.

Саноатнинг айрим тармоқлари, шу жумладан енгил саноат ва озиқ-овқат саноати каби етакчи тармоқлар ўз тараққиётида беш йиллик план Директиваларида белгиланган топшириқлардан кейинда қолмоқда. Бир қатор тармоқларда асосий ишлаб чиқариш фондларидан, капитал маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги пасайиб кетди, давлат фондини қайтариш камайди. Кўпгина корхоналарда лойиҳада кўрсатилган қувватларни суст ўзлаштиришга йўл қўйилмоқда.

Биноқорлик материаллари саноати, озиқ-овқат саноати, маҳаллий саноат министрликларига қарашли корхоналар янги техниками жорий қилиш планларини муттасил бажармай келмоқдалар. Айрим ҳолларда ишлаб чиқаришнинг аҳволи етарли даражада таҳлил этилмай, техниками тараққий эттириш ва меҳнатни илмий асосда уюштириш планлари тузилмоқда. Бу планлар кўпинча иккинчи даражали масалаларни ҳал этишни кўзда тутади.

Хусусан, машинасозлик ва металл ишлаш саноати, енгил саноат, мебель саноати ва ёғочсозлик саноатида қўл меҳнатининг салмоғи секинлик билан камайиб бормоқда, ёрдамчи ишларни механизациялаштиришга етарли даражада эътибор берилмаётир. Айрим тармоқларда меҳнат унумдорлиги иш ҳақига нисбатан сust ўсиб бормоқда.

Баъзи завод ва фабрикаларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш учун сust кураш олиб борилмоқда, кўпгина эскириб қолган буюмлар ишлаб чиқарилмоқда.

Республикадаги саноат министрликлари ва идоралар планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системаси жорий қилинаётганлиги туфайли ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун вужудга келаётган қулай имкониятлардан тўлиқ фойдаланмаётирлар.

Ўзбекистон Компартиясининг область, шаҳар ва район комитетлари ишлаб чиқариш фондларидан яхши фойдаланиш учун, фан-техника тараққиётининг суръатларини жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини бутун чоралар билан кўпайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш учун курашга меҳнаткашларни етарли даражада сафарбар қилмаётирлар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми **қарор қилади:**

1. КПСС Марказий Комитетининг 1969 йил декабрь Пленуми қарорлари асосида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини бутун чоралар билан оширишга меҳнаткашларни сафарбар қилиш — область, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларининг министрликлар, идоралар ва корхоналар раҳбарларининг асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблансин.

Асосан ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўла ва максадга мувофиқ фойдаланиш, машина-ускуналарни янгилаш, ҳозирги замон фан ва техникаси ютукларини жорий қилиш йўли билан, шунингдек иш вақтининг ҳар бир минутидан, ҳар бир машина ва механизмдан, хом ашё ва ёқилғининг ҳар бир граммидан рационал фойдаланиш йўли билан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш суръатларини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш зарур. Сарфланган маблағларни олинган натижалар билан доим таққослаб кўриш, сарф қилинган ҳар бир сўмдан энг кўп самара олинишига эришиш зарур.

2. Пленум партия, совет ва хўжалик органларидан фан-техника тараққиёти суръатларини жадаллаштириш юзасидан партия ишлаб чиққан йўлни доим амалга оширишни талаб қилади. Министрликлар ва идоралар ҳар бир соҳада қўл меҳнатининг салмоғини камайтириш юзасидан тегишли тадбирларни белгилашлари, ёрдамчи ишларни механизациялаш ва меҳнатни илмий асосда ташкил этишга алоҳида эътибор беришлари зарур.

3. Пленум республика саноатини ривожлантиришдаги муваффақиятлар меҳнат унумдорлигининг ўсишига, меҳнаткашлар ҳар бир коллективининг зўр ғайрат билан ишлашига ҳал қилувчи даражада боғлиқдир, деб ҳисоблайди. Барча корхоналарда юксак меҳнат унумдорлиги учун зўр ғайрат билан кураш олиб бориш ҳар бир ишчининг, ҳар бир мутахассиснинг меҳнат унумдорлигини ошириш — коллективларнинг планларини бажариш соҳасидаги сиёсий ва хўжалик ишларининг диққат марказида туриши лозим.

Ҳар бир корхонада цехлар ҳисобига ва қаерда, қайси цех ва участкада, қандай ишларда энг кўп самара олиш, меҳнат унумдорлигини янада кўпайтириш мумкин эканлигини аниқ билиб олиш керак. Саноатнинг ҳар бир тармоғида, республиканинг ҳар бир областида ибрат ва намуна бўладиган корхоналар вужудга келтириш зарур. Бу корхоналарнинг иши илмий асосда уюштирилиши ва ана шу корхоналар тажрибасини бошқаларга ўргатиш керак.

4. Пленум партия ва хўжалик органларидан корхоналар коллективларининг эътиборини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини тубдан яхшилашга, машина ва бошқа буюмларнинг узоқ вақт ишлаши, пишиқлигини оширишга қаратишни талаб этади. Ҳар бир завод ва фабрикада эскириб қолган буюмлар ўрнига замонавий талабларга жавоб берадиган янги буюмлар ишлаб чиқариш планларини тузиш зарур. Саратов машинасозларининг маҳсулот сифатини биринчи кўлдан текшириб қабул қилиш соҳасидаги тажрибаси кенг қўлланилиши лозим. Корхоналарнинг фаолиятига баҳо беришда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати асосий кўрсаткичларнинг бири бўлиб қолмоғи керак.

5. Министрликлар, идоралар ва корхоналарнинг раҳбарларига участка, цех, корхоналарнинг машина ва механизмларидан, агрегатларидан ишлаб чиқариш қувватларидан тўла ва самарали фойдаланишларига эришиш топширилсин. Шу мақсадда меҳнат ва ишлаб чиқаришни пухта уюштириш, машина-ускуналарни техникавий жиҳатдан тўғри ишлатиш ва профилактика ремонтини пухта ўтказиш, материал ва техника билан ўз вақтида таъминлаш, кўп станокда ишлаш усулини кенг қўлланишини таъминлаш зарур.

6. Пленум республика Госпланига, министрликлар ва идораларга саноатни марказлаштириш ва ихтисослаштириш соҳасидаги ишларни кучайтиришни топширади. Корхоналарни йириклаштириш йўлида тўпланган тажриба асосида ишлаб чиқариш бирлашмаларини кенг кўламда вужудга келтириш ва корхоналарни, илмий тадқиқот ҳамда лойиҳалаш институтларини, конструкторлик бюроларини уларнинг ишида қатъийлик зарур.

7. Министрликлар ва идораларга, корхоналарнинг раҳбарларига ишлаб чиқаришни бошқариш системасини доим такомиллаштириб бориш, Тошкентдаги авиация заводи тажрибаси асосида ҳисоблаш техникаси ва ишни ташкил этиш техникасини қўлланиш ва ундан максадга мувофиқ фойдаланиш соҳасида актив иш олиб бориш, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг автоматлаштирилган системасини жорий этиш, корхона ва ташкилотлардаги маъмурий — бошқариш аппаратини қисқартириш, бошқарма тузилишини такомиллаштиришга эришиш вазифалари топширилсин.

Ҳар бир корхонада автоматлаштирилган ҳисоб-китобга ўта бошлашга ҳозирлик кўриш, ишлаб чиқаришни планлаштириш ва бошқариш билан боғлиқ бўлган конкрет тадбирларни белгилаш ва шу асосда 1971—1975 йилларга мўлжалланган ҳисоблаш техникасини жорий қилиш планини ишлаб чиқиш керак.

8. Пленум тадқиқот ишларининг самарадорлигини ошириш, бу ишларнинг илмий-техника даражасини юксалтириш ва уларни халқ хўжалигига жорий қилиш — илмий-тадқиқот, лойиҳалаш-конструкторлик муассасалари ва олий ўқув юртларидаги илмий бўлимлар раҳбарлари, партия ташкилотларининг асосий вазифаси деб ҳисоблайди.

Илмий коллективларнинг бутун куч-ғайратини халқ хўжалиги учун энг муҳим бўлган илмий ва техникавий проблемаларни ишлаб чиқишга, ғоят унумли ишлайдиган янги машиналарни, прогрессив материалларни, механизациялаш ва автоматлаштиришнинг, замонавий технологиянинг самарали воситаларини яратишга, илмий ва техникавий жиҳатдан зарур бўлган имкониятларни вужудга келтиришга сарфлаш керак.

9. Пленум сарф қилинадиган капитал маблағларнинг самарадорлигини доим ошира бориш, маблағларни, материал-техника ресурсларни ва меҳнат ресурсларини ишга тушириладиган қурилиш ва иншоотларга тўплаш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва ўзлаштиришни бутун чоралар билан жадаллаштириш зарур эканлигига партия, совет ва хўжалик органларининг диққат-эътиборини жалб этади.

10. Пленум министрликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлардан капитал қурилишга раҳбарликни тубдан яхшилашни, лойиҳа, смета ҳужжатларини ўз вақтида тузиб чиқишни, қурилиш-монтаж ишларининг бажарилишини ҳамда қувватларни белгиланган муддатларда ишга туширишни таъминлайдиган машина-ускуналар ва махсус материалларни ўз вақтида етказиб беришни талаб қилади.

11. Пленум партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларини катта ва кичик ҳар бир ишда чинакам социалистик негиздаги тежамкорлик учун курашни авж олдиришга даъват этади. Корхоналарда, барча хўжалик ташкилотларида металл, хом ашё ва материалларни сарф қилишдаги мавжуд нормаларни танқидий назар билан қайтадан кўриб чиқиш, уларни фан ва технологиянинг энг янги ютуқлари билан, илғор коллективларнинг тажрибаси билан таққослаб кўриш, техника жиҳатидан асосланган нормативларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, халқ меҳнати билан вужудга келтириладиган моддий бойликларнинг талон-торож қилинишига йўл қўймайдиган тадбирларни белгилаш талаб этилади. Ускуна ва материаллар қолдиғининг нормадан ташқари қисқартирилишига алоҳида эътибор берилсин.

12. Ўзбекистон Компартиясининг область, шаҳар ва район комитетларига бошланғич партия ташкилотларига раҳбарликни яхшилаш, саноат ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш соҳасидаги вазифаларни ҳал этишда уларга кўпроқ амалий ёрдам бериш топширилсин. Партия ташкилотлари кишиларнинг ижодий ташаббусини бутун чоралар билан ривожлантиришлари ва актив қўллаб-қувватлашлари, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланишни яхшилаш ва халқ хўжалигида тежамкорликни кучайтириш тўғрисида»ги мактубида қўйилган вазифаларни амалга оширишга оммавий-сиёсий ва ташкилотчилик ишларининг ҳамма воситалари билан ёрдам беришлари зарур. Техника тараққиётига ёрдам берувчи кенгашларнинг ишини кучайтириш чораларини кўриш керак.

13. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш янги иш шароитида ғоят катта аҳамиятга эгадир. Сиёсий жиҳатдан етук, ҳар томонлама билимли ва техника ҳамда технологияни яхши биладиган, экономика масалаларини чуқур англайдиган сергайрат мутахассисларни, ишлаб чиқаришнинг моҳир ташкилотчиларини ва омманинг мураббийларини хўжалик қурилиши участкаларига раҳбар қилиб кўтариш зарур. Кадрларни кўтариш учун резервни кўпайтириш соҳасида планли иш олиб бориш керак.

14. Меҳнатни ташкил этиш ва меҳнат интизоми даражасини ошириш, маданий-маиший ва уй-жой шароитларини яхшилаш, сермеҳнат жараёнларини механизациялаш ва автоматлаш ҳисобига кадрларнинг кўнимсизлигини кескин қисқартиришга эришилсин.

15. Саноат, транспорт ва алоқа корхоналарида меҳнатни мухофаза қилиш ва техника хавфсизлиги масалаларига муҳим аҳамият бериб, Ўзбекистон касаба союзлари советига Министрликлар ва идоралар билан биргаликда зарур меҳнат шароитларини, ишлар беҳатар олиб борилишини ва травматизм ҳолларига йўл қўймасликни таъминлайдиган қўшимча чораларни ишлаб чиқиб амалга ошириш топширилсин.

16. КПСС Марказий Комитетининг 1969 йил декабрь Пленуми қарорларига мувофиқ министрликлар, идоралар, корхоналар раҳбарларининг давлат планларини бажариш, хўжаликка раҳбарлик методларини такомиллаштириш, меҳнат ва давлат интизомини мустаҳкамлаш йўлидаги жавобгарлигини бутун чоралар билан ошириш зарур.

17. Пленум партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, республикамизнинг барча меҳнаткашлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, резервлардан тўла фойдаланиш ва тежамкорликни кучайтириш йўлидаги умумхалқ курашида янгиданянги муваффақиятларга эришадилар, КПСС XXIV съезди шарафига социалистик мусобақа байроғини тағин ҳам баланд кўтарадилар, мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришга салмоқли хисса қўшмоқ учун ҳамма чораларни кўрадилар, деб қатъий ишонч билдиради.

ҲАМЗА — РЕВОЛЮЦИЯ КУЙЧИСИ ВА ШОИРИ

Ўзбек халқининг улуғ фарзанди Ҳамза Октябрь шоиридир, унинг сатрлари янги ҳаёт учун курашга чорлади, унинг қўшиқлари халқ шон-шуҳратининг абадий барҳаёт достони бўлиб қолди... Ҳамза билан учрашиш шарафига мушарраф бўлган инсоннинг қалбида жарчи ва гражданин шоир, ҳаётни насоратдан иборат бўлган шоирнинг сиймоси умрбод сақланиб қолган. Ҳамза билан унинг қўшиқлари ва шеърлари орқали учрашган киши шоирнинг отасини сатрларини унутмайди, чунки бу шеърларда курашчининг отасини қалби ишайди.

Ўзбек халқининг улуғ фарзанди туғилгандан буён 80 йил ўтди. 24 ноябрь куни Тошкентда Ҳамза номи билан аталган театрда ана шу санални нишонлаш учун Ўзбекистон пойтахти жамоатчилигининг намояндалари тўпланишди.

Тантанали кечани Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти И. М. Мўминов очди.

Кечада филология фанлари доктори Л. П. Қаюмов доклад қилди. У Ҳамза тўғрисида — Коммунистик партия ва Совет ҳокимиятининг отасини жарчиси ва курашчиси тўғрисида Улуғ Октябрь иши учун хизмат қилишни ўз ҳаётининг маъноси, ижодининг, курашининг маъноси деб билган инсон тўғрисида сўзлаб берди.

Худди шунинг учун ҳам Ҳамза ўзбек халқининг миллий қаҳрамони бўлиб қолди. Худди шунинг учун ҳам шоирлар ва рассомлар унинг қаҳрамонона ҳаётини куйламоқдалар, васф этмоқдалар, бастакорлар ва артистлар унинг образини яратмоқдалар.

Театр саҳнасида Ҳамза образини яратган ажойиб санъаткор, СССР халқ артисти Олим Хўжаев. У биринчи ўзбек профессионал театрини яратган киши Ҳамза тўғрисида, халқ театрларини катта истиқбол нишоналари деб билиб уларга эътибор билан қараган киши тўғрисида гапирди. Артист Ҳамза пьесалари ҳақида сўзлаб: Ўзбекистондаги бадиий коллективлар унинг асарларини ўз саҳналарида қўйишни шарафли ва фахрли иш деб ҳисоблайдилар, деди.

СССР халқ артисти, композитор Мухтор Ашрафий республика музика маданиятининг бугунги куни ҳақида — Ҳамзанинг халқ музика билими ҳақидаги қилган орзулари ажойиб тарзда рўёбга чиққанлиги ҳақида гапирди. Консерватория, ўнлаб музика мактаблари, иккита опера ва балет театри, бир қанча музикали драма театрлари, юзлаб ҳаваскорлик коллективлари халқ онгига совет санъатининг буюк кучини сингдирмоқда. Республика бастакорларининг номлари Ўзбекистондан олис жойларда ҳам машҳурдир. Ҳамзанинг музика мероси кўп йиллар мобайнида ҳар томонлама тадқиқот, ифтихор, илҳом манбаи бўлиб қолаверади.

Кечада Ленинград Университетининг профессори, Ҳамза асарларини рус тилига таржима қилган шоир С. Н. Иванов нутқ сўзлади.

Тантанали кечада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов қатнашдилар.

* * *

Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» пьесаси неча ўн йиллардан буён театрларнинг саҳналаридан тушмай келмоқда. Бу кеча ҳам ана шу асар қўйилиши билан якунланди.

(ЎзТАГ).

2-бет. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
25 НОЯБРЬ 1970 Й.



ЯХШИ ЭШИТИШ УЧУН

23 яшардан 56 ёшгача бўлган 70 эркакнинг эшитиш қобилияти 4 йилик югуриш машғулотидан кейин анча яхшиланди.

Мутахассисларнинг фикрича бу, қонда холестерол моддасининг камайиши туфайли экан. Холестерол қулоққа яқин қон томирларга йиғилиб, эшитиш сезгисини бирмунча камайтирар экан.

Эҳтиётлик ва чиниқиш

Об-ҳавонинг тез ўзгариб туриши — ерда атмосфера босимининг кескин фарқланишига сабаб бўлади. Бу ҳол кўпчилик касалликларнинг қайталанишига, жумладан юрак-қон томир, жигар, буйрак хасталикларининг ҳуружини тақрорланишига сабаб бўлади.

Ҳавонинг совиб бориши — бу касалликлардан ташқари, нафас олиш йўлларининг ҳам хасталанишига олиб келади. Нафас йўлларининг касалликларидан энг хавфлиси зотилжамдир. Зотилжам касаллиги болалар билан баравар кексалар орасида ҳам кўпроқ учрайди.

Зотилжам касаллигининг келиб чиқишига, асосан организмнинг ташқи об-ҳавога чиниқмаган бўлиши, мавсумга қараб кийинмаслик, оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланиш давомида танани терлаши ва шунга қараб кийинмаслик сабаб бўлади.

Оғиз ва нафас йўлларида ҳар турли микроблар мавжуд. Тана терлаб туриб, совуқ ҳавога учраса, шу мавжуд микроблар қўзғалиб, организмда муайян касаллик пайдо қилади.

Зотилжам касаллигида, асосан ўпкада кучли яллиғланиш аломатлари пайдо бўлиб, касаллик тез ва кескин бошланади. Бирдан қуруқ йўтал пайдо бўлиб, тана ҳарорати тез кўтарила бошлайди. Кўкрак ва курак атрофида кучли оғриқ пайдо бўлади. Эрта билан соғаломат меҳнатга кетган одам кечгача аҳволи оғирлашиб, тана ҳарорати ошиб кетади. Бемор совқотиб, оёқ-қўлида кучли оғриқ сеза бошлайди. Оғриқлар бутун танага тарқалиб, касаллик авж олган сари бош оғриғи ҳам бошланади. Оғиз ва бурун атрофида кўкаришнинг кўпайиб бориши сезилади.

Хасталик беморнинг олий асаб системасига ҳам таъсир қилиши оқибатида бемор ҳушидан кетиши, оёқ-қўл мушаклари тортишиб қолиши мумкин.

Зотилжам касаллиги енгил формада кечганда 3—5 кунда ўтиб кетади. Оғир формаси эса, бир неча ҳафталаб давом этиши мумкин. Қиш фаслида қарияларни ёхуд ёш болаларнинг зотилжам билан оғриши хавфлидир. Чунки ёш бола совуққа кўникмаган, кексайиб бораётган организм эса совуқ об-ҳавога қасалланган вақтида чидаш бера олмайди.

Касаллик қанчалик хавфли бўлишига қарамай, ўз вақтида шифокорларга мурожаат қилинса, бемор асоратсиз соғайиши мумкин. Чунки зотилжам кўпинча ҳар турли асоратлар қолдиради, булардан ўпкага сув йиғилиши, ўпканинг сурункали шамоллаши, сил ва ўпка найларининг торайиб қолиши касаллигидир. Бинобарин, бундай хасталикнинг олдини олиш кўп турли ўпка касаллигининг олдини олиш демакдир.

Хўш, бу оғир хасталикнинг олдини олиш учун қандай шарт-шароитларга риоя қилиш лозим. Бу касалликнинг олдинги олишдаги муҳим тадбирий чоралардан энг муҳими — организмни чиниқтиришдир. Киши қанчалик жисмонан чидамли, бардам бўлса, шунча кам касал бўлади. Чунки уларда ҳар қандай касалга қарши курашиш қобилияти ривожланган бўлади. Куз вақти бўлсин, қиш вақтида бўлсин, бари бир очиқ ҳавода сайр қилиш, яшаб турадиган хонани тез-тез шамоллатиб туриш керак. Қиш вақтида уй ҳавосини жуда ҳам иситиб юбориш ярамайди. Ҳавонинг исиб кетиши организмни анча бўшаштириб қўяди. Иссиқ ҳаволи уйдан, совуқ ҳавога чиқиш шамоллаш касалликлари билан оғришга олиб келади.

Зотилжам касаллиги билан оғриб соғайган кишилар овқатланиш режимига эътибор беришлари керак. Касаллик даврида сарфланган қувватнинг ўрнини тўлдириш лозим. Бунинг учун кунига тўрт маҳал оз-оздан овқатланиш яхши натижа беради. Таомлар асосан ёғли, гўштли, сабзавот ва витаминларга бой бўлиши хасталикдан соғайган беморга куч бағишлайди. Кези келганда сут маҳсулотларини ҳам эслатиб ўтиш керак. Сариёғ, қаймоқ, қатиқ ҳаммаси ҳам организмни чиниқтиради, ўпканинг мустаҳкамлайдиган озуқаларидандир.

Зотилжам касаллигини ўз-ўзича даволаб бўлмайди. Ҳар хил дорилари, уларни таъсир этишини билмай туриб, истеъмол қилиш касалликни улғайтириб юборади. Шунинг учун ҳам ўзида зотилжам касаллигининг аломатларини сезган ҳар бир киши дарҳол шифокорга мурожаат қилиши, унинг маслаҳати билан даволаниши зарур.

О. АЗИЗХЎЖАЕВ,
медицина фанлари кандидати.



Шаҳримиздаги Ленин районига қарашли 1-поликлиника медицина ходимлари меҳнаткашларга медицина хизмати кўрсатишни кенг йўлга қўйиб, бу соҳада қатор ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Бу поликлиника коллективининг ибратли меҳнати район меҳнаткашларининг мақтовига сазовор бўлаётир.

СУРАТДА: поликлиниканинг ишчан медицина ходимларидан ҳамшира (чапда) Муборак Габидова ва врач Фарогат Комилова.

М. Нуриддинов фотоси.

«МЕДИЦИНА» НАШРИЁТИ ТУҲФАЛАРИ

«ДОНОРГА ЭСДАЛИК»

Е. К. Безганнинг юқоридаги ном билан аталган китоби нашр этилди. Рисолада ҳозирги замон медицинасининг энг кучли даволаш усулларидан бири — қон қуйиш ҳақида фикр юритилади. Қон қуйиш организмнинг касалликларга қаршилик кўрсатиш қобилиятини оширади.

Брошюрани русча нашридан Р. Рихсиев таржима қилган.

БИРИНЧИ ЁРДАМ

В. М. Шустиковнинг «Электрдан шикастланганда биринчи ёрдам кўрсатиш» китобчасида электрдан шикастланишнинг олдини олиш ва биринчи ёрдам кўрсатиш ҳақида зарур маслаҳатлар берилади.

Юрак ва нафас тўхтаб қолган тақдирда организмни тиритиришнинг замонавий усулларига катта аҳамият берилади. Рисолани Б. Максуров таржима қилган. Брошюра кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

◆ Гредкадаги сув узоқ вақт совимасин десангиз, унга бироз туз қўшиб юборинг.

◆ Горчица яхши сақланиши ва қуримаслиги учун, уни сутда эритиш керак.

◆ Кофе таъмини кучайтириш учун қайнашидан олдин сувга бир чимдим туз ташлаб юбориш керак.

◆ Мураббо жуда ҳам ширин бўлиб кетмаслиги учун, қайнатиш вақтида бироз лимон шарбати қўшинг.

ТРАХОМАГА ҚАРШИ

Венгер кўз врачи Дьюла Колесар кўзни нур билан даволашда янги аппарат ихтиро этди. Унинг ёрдами билан трахома ва бошқа вирусли кўз касалликларини оғриқсиз даволаш мумкин.

Трахома кенг тарқалган Мисрда аппаратнинг дастлабки нусҳаларн синовдан ўтказилди.

«Трохолюкс УВ»ни оммавий равишда ишлаб чиқариш 1970 йилдан бошланди.

ТИШ БУЗИЛИШИ

Микробиолог Фицжеральд жуда кўп олмахонларнинг тишини текшириб кўриб, оғриган тишлардан бир турдаги микробларни топди. У шунга асосланиб, кишиларнинг тишининг чиришига ҳам шу микроблар сабаб бўлса керак, деган хулосага келди.

Демак, шу микробларни қириш йўли билан тишни чиришдан сақлаб қолиш мумкин экан.

Планетамиз янгиликлари

ПАХТАДАН РЕКОРД ҲОСИЛ

ҚОҲИРА. Бирлашган Араб Республикаси бош министрининг ўринбосари, қишлоқ хўжалиги ва ер ислоҳоти министри Саид Марей қуйидагиларни айтди: Бирлашган Араб Республикасида бу йил йиғиштириб олинган пахта ҳосили ана шу қишлоқ хўжалик экини етиштирила бошлаганидан буён ўтган даврда учинчи марта олинган рекорд ҳосилдир.

«Ал-Ахбор» газетаси хабар беришича министр қуйидагиларни таъкидлаган: Бирлашган Араб Республикасининг пахтакорлари бу йилги обҳаво шароити ноқулай келишига ва уруш билан боғланган қийинчиликларга қарамай ана шу муваффақиятга эришдилар. Бирлашган Араб Республикасида 1959 ва 1965 йили ҳам шундай рекордли ҳосил олинган эди.

(ТАСС).



Янги Бельград Югославия пойтахтининг маъмурий марказидир. Еш қурувчилар яқиндагина ботқоқлик бўлиб ётган ерларда шундай биноларни барпо этишди.

В. Егоров фотоси.

ТАСС фотохроникаси.

МЕҲНАТ БИЛАН КАПИТАЛ КУРАШИ

Нью-Йорк

Жоржтаундаги (Жанубий Каролина штати) «Жоржтаун ютилкорпорейшн» компанияси металлургия заводида негр ишчиларининг забастовкаси қарийб юз кундан буён давом этмоқда. Негрларнинг тараққийпарвар ташкилотлари, аввало, «Жанубдаги христиан раҳбарлиги конференцияси» ишчиларининг меҳнат шароитини яхшилаш тўғрисидаги ҳаққоний талабларини қўллаб-қувватламоқдалар. Бу ташкилотларнинг аъзолари иш ташловчиларга моддий ёрдам бермоқдалар ва эгаларининг бебошлигига қарши норозилик намойишларида ишчилар билан биргаликда қатнашмоқдалар.

Аммо, компания эгалари ишчиларнинг талабларини қондиришдан бўйин товламоқдалар. Компания эгалари яқинда стачка комитети вакиллари билан музокараларни тўхтатиб қўйдилар.

Каракас

Венесуэланинг Маракайбо шаҳрида (Сулиа штати) такси ва автобус ҳайдовчиларидан 6,500 кишининг забастовкаси давом этмоқда. Ана шу штатдаги машина ҳайдовчиларидан яна 15 минг киши уларга қўшилди. Иш ташловчилар моддий аҳволлари ва меҳнат шароитларининг яхшиланишини талаб этмоқдалар. Штатдаги нефть саноати ишчилари касаба союзи иш ташловчилар билан бирдам эканлигини билдирди. Нефтчилар машина ҳайдовчиларининг талабларини қўллаб-қувватлаш мақсадларида қисқа муддатли забастовка ўтказмоқдалар.

БИР САФДА

СОВЕТ ВА ФРАНЦУЗ ПАРТИЗАНЛАРИНИНГ ЖАНГОВАР ҚАРДОШЛИГИ ҲАҚИДА.

Учувчи Леон Верден Франция устида олиб борилган ҳаво жангларининг бирида — уриб туширилди ва асир бўлди. Гитлерчилар йигирма яшар французни лагерда сақлагандан кейин совет фронтига жўнатмадилар. Бироқ немислар учувчига ишониб сомолёт бермайдилар, балки уни Вилейка шаҳридаги фронт орқа томонидаги гарнизон қисмига хизмат қилишга юбордилар. Француз партизанлар томонга ўтишни афтидан аллақачон ўйлаб қўйган бўлса керак. Кунларнинг бирида кеча томон у қуролини олиб шаҳардан ташқарига чиқади, орадан кўп ўтмай озиқ-овқат ортилган деҳқон аравалари карвонига дуч келади. Буни жазоловчилар шаҳарга юборган эдилар.

Вердин карвонни орқага қайтириб нонларни аҳолига тарқатишни буюрди.

Аравакашлар иккиланиб қолишди. Бундай буйруқнинг игвогарлик бўлиши ҳам мумкин эди. Лекин немис формасидаги киши ҳазиллашаётган эмасди. У автомат билан тақдид қилиб карвонни орқага буриб энг охирги аравага ўтириб олди ва қишлоққа кириб келди. Бу ерда Вердин нонларни аҳолига тарқатгирди, ўзи эса яқин ердаги уйга бориб, ўзини партизанлар ёнига олиб боришни талаб этди. Деҳқонлар қишлоққа келган бу галати меҳмон ҳақида халқ қасосқорларига тунда хабар қилишди. Бир неча минутдан кейин партизанлар уйни қуршаб олишди. Вердён отрядда ана шундай пайдо бўлди. Верденни текшириб кўриш мақсадида топшириқ билан юбордилар. У кирган группани немислар қуршаб олишди. У Молодечко ёнидаги Сосенко қишлоғида биринчи жангга яна шунда қатнашди. Жангчилардан бири ярадор бўлди. Леон уни кўтариб ўт ичидан олиб чиқди. Бу воқеа 1943 йилнинг октябри ўрталарида бўлиб ўтган эди.

Белоруссиядаги Котовский номидаги отряд командири томонидан французлик учувчи-партизан Леон Верденга берилган ва мен Минскдан архивдан топиб олган «жанговар характеристика»да қисқа қилиб шундай ёзилган: «Ольковичи, Варлонь Костеневичидаги немис гарнизонларини яксон этиш, Сморгонь шаҳрига ҳужум қилиш, Ходаки қишлоғи яқинда бўлиб ўтган жанг қатнашчиси. Пушченко қишлоғида пистирма қўйиш иштирокчиси. Бу юборилди. Леон Қизил Армия сафига ўтди. Унинг шундан кейинги тақдири Степанга номаълум.

Минскдаги ўша архивда мен яна Ромен Дюбост деган номни кўриб қолдим. У Минск областида Шчорс номидаги отрядда жанг қилган. Дюбост немис армиясидан партизанлар томонига 1942 йилнинг 10 декабрида ўтган, орадан нақ ўн ой ўтгандан кейин Минск яқинида бўлган жангда ўлдирилган эди. Ўшанда унинг ёши йигирма бирда эди. Дюбост ўзига берилган топшириқни бажараётиб жазоловчилар ротасига дуч келиб қолади. Партизан немисларнинг таслим бўлиш ҳақидаги таклифига жавобан ўтиб олиб, фашистларга қараб ўт очади ва душман ўқи унинг ҳаётини узишдан олдин ўн солдатни ер тишлатади, ўн саккиз солдатни ярадор қилади. Дюбостнинг уй адреси номаълум бўлиб қолди. Уни Березино поселкасида қурбон бўлган совет жангчилари билан бирга қардошлик мозорига дафн қилдилар.

Мана яна бир партизан тақдири. Жан Мария Лунинг қаҳрамонона ҳаёти ҳақида мен биринчи марта Белоруссиядаги Улуг Ватан урушя музейида эшитиб қолдим, сўнгра менга Жан Мари шеригн — разведкачи Женяни учратишдек бахт муяссар бўлди. Бу аёл ҳозир Могилев шаҳрида яшайди ва яшлайди. У менга қуйидагиларни қиқоя қилди:

— Жан Мари Луи биз томонга ўз ординарци билан бирга 1943 йилнинг ёзида ўтди. Касби докторлик. Тўпончадан отиш бўйича Францияниг чемпиони бўлган. Гитлерчилар уни спорт тўпончаси сақлагани учун уйинга келиб қамоққа олишган. У қамоқхонада ўн уч ой ётди. У ерда немисларнинг форма, кийимини кийиб Шарқий фронтга кетишга қарор қилади. У шу йўл билан нажот йўлини топиш ва қуролини фашистларга қарши қаратиш мумкин деб ҳисоблайди.

Ўша вақтда мен разведкачи эдим. Бизнинг отрядларимиз Могилевдан эллик километрча нарида турар эди. Мен шаҳарга тез-тез разведкага келиб турар ва ҳамма айланма йўлларни яхши билардим. Бир куни мени чақириб: «Француз билан икковлаб борасизлар» деб айтишди. Бунгача у текширишдан ўтган эди: уни Могилевга разведкага юборишган. Жан у ерда немис офицерини ўлдириб қимматли ҳужжатлар олиб қайтган эди.

Биз Жан билан разведка ўтказдик, сўнг яна бир неча марта иш олиб бордик. Бир куни Могилев шаҳар полициясининг янги бошлиғини йўқотишга қарор қилинди. Бу офицер афтидан юқори лавозимли бўлса керак. Смоленскдан келган эди. Белгиланган куни кеч соат саккиздан кейин биз Могилевга келдик. Комендатлик соати эди. Биз комендант яшайдиган уйга яқин ерда бекиндик. Мен хавф ҳақида шартли сигнал беришга ҳар минутда тайёр турган ҳолда шу ерда қолдим. Жан эса полициячининг уйига томон кетди. Ўқ узилган, иккинчи, учинчи ўқ отилган овозлар эшитилди. Бир минутдан кейин Жан югуриб кела бошлади. Биз яширидик. Рост, кейинчалик биз Жанинг бошқа бир офицерни — комендант ёрдамчисини ўлдирганини билдик.

Биз кейинги топшириқни бажаришга 1943 йил ноябрда чиқдик. Жан биз учрашган квартирадан немисларнинг форма кийимини кийиб Днепрга томон жўнади. У ерда соҳилда қурилаётган истеҳкомни разведка қилиши керак эди. Мен зўрга топилган рус-француз луғатини олиш учун дугонамникига кетдим. Қайтиб келсам Жан йўқ. Мен гаплашиб қўйганимиздек кечгача кутдим. Яна бир кунга қолдим. Мен бунинг бехуда ва хавфли эканини билардим. Лекин бошқача қилолмадим. У келмади. Унга нима бўлганини ҳеч ким аниқ билмасди. Кейинчалик одамлар немисларнинг кўприк ёнида ўз офицерларини қамоққа олишганини, унинг оддий товушсиз тўппонча билан отишганини, погонларини юлиб олиб қаергадир олиб кетишганини гапириб бердилар.

Иккинчи куни кечга томон мен кетдим. Унинг тақдири нима бўлди экан? Мен шунчалигини биламанки у билан кишиларнинг биронтаси жафо чекмади

Совет кишилари билан бирга ёнма-ён туриб гитлерчи босқинчиларга қарши жанг қилган қаҳрамон французлар ҳақидаги хотира бизнинг қалбимизда абадий яшайди.

А. ИГНАТОВ,
(АПН).

ВАТАНПАРВАРЛАРНИНГ ЗАРБАЛАРИ

Озодлик матбуот агентлиги Жанубий Вьетнамдан хабар беради: халқ озодлик қуролли кучлари бўлинмалари Тайнинь вилоятида «Тинчитиш» операциясини ўтказган душманга 1 ва 4 ноябрда ҳужум қилдилар. Ватанпарварлар душманнинг 112 солдатини қириб ташладилар ва бир самолётни уриб туширдилар.

Вертолётларга қарши курашувчи махсус командалар 5 ва 11 ноябрда Ратьзя вилоятида душманнинг иккита ҳарбий самолётини уриб туширдилар ва бу самолётларнинг экипажларини қириб ташладилар.

Вьетнам халқ озодлик қуролли кучлари жангчилари шу йилнинг биринчи ўн кунлигида Фуйен вилоятида олиб борилган жангларда душманнинг 62 солдат ва офицерини, шу жумладан Сеуль қўшинларининг 35 солдат ва офицерини сафдан чиқардилар. ватанпарварлар икки самолётни уриб туширдилар ва кўп миқдорда ҳарбий анжомларни ўлжа олдилар.

(ТАСС).

ТАИЛАНД АҲОЛИСИ

БАНГКОК. 1970 йилда Таиланд аҳолиси 34 миллион 152 минг кишини ташкил этди. Бу ерда эълон қилинган статистика маълумотларига қараганда, кейинги ўн йил ичида аҳоли сони қарийб 10 миллион кўпайган.

(ТАСС).

Фавқулодда ҳолат бекор қилинди

ПАРИЖ. Тринидад ва Тобаго ҳукумати, дейилади Франс пресс агентлиги мухбирининг Порт-оф-Спейндан берган хабарида, шу йил апрель ойида жорий этилган фавқулодда ҳолатни бекор қилди.

Кариб денгизидаги икки оролни бирлаштирган ва 750 минг аҳолиси бўлган бу кичкина давлат бундан 7 ой аввал негрларнинг оғир иқтисодий, социал аҳволи ва камситилишига қарши оммавий норозилик кучайиб кетганлиги натижасида қийин аҳволга тушиб қолган эди. Бу оммавий норозилик ҳаракатида аҳолининг энг камбағал табақалари, тараққийпарвар ташкилотлар ва негрларни давлатини бошқаришда қатнаштиришга интилаётган, нуфузи анча катта бўлган, «қора танлилар ҳукмронлиги» ҳаракати қатнашди. Ҳукумат ғалаёнларни бостирмоқ учун фавқулодда ҳолат жорий қилди. Икки юзга яқин киши турмаларга ташланди.

Ҳукуматнинг бундай жазо чораларини кўриши унга қарши намойишлар тўлқинини янада кўзғатди ва армияда кўзғолон чиқишига олиб келди. Ҳукумат ҳаракат қатнашчиларининг талабларини қўриб чиқишга ва қамаб қўйилган сиёсий арбобларнинг деярли ҳаммасини қамоқдан бўшатишга вазда берганидан кейингина ҳукуматга қарши чиқишлар тўхтатилди. Бироқ 70 нафардан кўпроқ солдат ва офицерлар ҳали ҳам қамоқдан бўшатилгани йўқ.

(ТАСС).

А Қ Ш. Ҳарбий саноат комплекси ва Пентагон биргаликда ҳаракат қилиб давлат бюджетидан ракетага қарши қимматбаҳо «Сейфгард» системасини яратиш учун қарз олишга муваффақ бўлдилар.

(ГАЗЕТАДАН).



Америкада чиқадиган «Дейли уорлд» газетасидан олинган карикатура.

ТАСС фотохроникаси.

Қадимги ичимлик

Пиво — ер юзидаги энг қадимги ичимликларнинг бири. Одамлар дон экинлари етиштиришни ўрганишлари биланоқ ундан ҳозирги пивонинг ўтмишдоши бўлган хонаки пивони тайёрлай бошладилар. Бу ичимлик Месопотамиядаёқ маълум эди. Мисрда пивони бундан олти минг йил илгари пишира бошлаганлар. Орадан кўп вақт ўтмай у Ўртаер денгизи соҳилдаги қадимги Грецияда шуҳрат қозонган. Сўнгра Ўрта Европа территориясига тарқалган. Ҳозирги чех ва словакларнинг аждодлари пивони кельтлардан билиб олганлар. Лекин ўша вақтдаги пивонинг таъми ширин бўлган: у вақтларда Европада ҳали хмель ўсимлиги мавжудлигидан бехабар бўлганлар. Бу ўсимлик уруғини мўғол қабилалари ўз ҳужумлари вақтида олиб қайтадилар.

Энди ичимликнинг ўзи ҳақида бир икки оғиз гапирамиз. Унинг таъмига солоднинг сифатли бўлиши таъсир этади. Чехословакия уни ишлаб чиқаришда кўп асрлик тажрибага эга. Шу сабабли биз солодни кўпгина давлатларга экспорт қиламиз. Унга ҳамма ерда талаб катта. Чет эл фирмалари ўзлари ишлаб чиқараётган пивонинг сифатини яхшилаш мақсадида Чехословакиядан хмель ҳам сотиб олмоқдалар. У дунёда энг яхши хмель деган шуҳрат қозонган.

Чех пиво заводлари катта анъанага эга. Энг қадимги пиво пиширш корхонаси Прага яқинидаги Збраслав монастирида XIII асрнинг биринчи ярмида барпо этилган эди.

Ўрта асрлардаёқ пиво сифатига жиддий эътибор берила бошланди. Ҳозиргина ишлаб чиқарилган ҳар бир ичимлик партиясидан татиб кўриш учун намуна олинарди. Айтгандай, бу иш билан бевосита маҳаллий магистрат аъзолари шуғулланарди. Пиво пиширш корхонасининг эгаси эмандан қилинган курси устига бир пақир пиво тўкиши зарур эди. Унинг устига чарм иштон кийиб олишган жюри аъзолари ўтириб олишарди. Агар аниқ белгиланган вақт ичида иштонлари курсига ёпишиб қолса жюри пивонинг таъми яхши деган битимга келар ва ичимлик савдога қўйиларди. Акс ҳолда тайёрланган бутун ичимлик тўкиб ташланар, бунинг устига пиво пиширш корхонасининг эгасига жарима солинарди.

Агар сиз яхши пиво ҳаваскори бўлсангиз бир неча фойдали маслаҳатни эсингизда тутинг.

Пиво силкинишларга, бегона ҳидларга, ҳароратнинг кескин алмашинишига ва қўён нурларига жуда сезгир бўлади. Агар у бочкаларда ташилар экан етказиб берилгандан кейин унинг «тинчланиши» учун икки кун тиндириш тавсия этилади. Муҳими уни қуйиш вақтида босим ўзгармаслиги керак. Бочкалардан запас учун пиво олмаслик керак, у «бегона» идишда ўзининг таъм сифатини жуда тез йўқотади. Шишаларга қўйилган пивони салқин, қоронғи ерда сақлашга ва уни ерда истеъмол қилиш олдингина олиш керак.

Пиво соғлиқ учун фойдали ичимлик. Унинг бир литрида маркасига яраша уч юз эллиқдан саксон юзгача калорийси бор. У эриган ҳолдаги углеводга эга. Бу эса овқат ҳазм қилишни тезлаштиради ва яхшилайди. Эҳтимол шу сабабли биз Чехословакияда пивони шундай яхши кўраётган бўлсак керак.

О. СМЕТИНГ,
(АПН—Прагопресс).
Прага.



Жанубий Вьетнам ватанпарварлари Куангнгай вилоятининг ўзида октябрь ойининг икки ҳафтасида Американинг тўртта самолёти ва бешта бронетранспортёрини яксон қилдилар.

СУРАТДА: қўғирчоқ армия солдатларини ичкарига жўнатиш пайти.

ТАСС фотохроникаси.

Арзон-гаровга (ҲАЖВИЯ)

Азиз НЕСИН

Катта фабриканинг хўжайини ўз кабинетида эрталабки қаҳвани ҳузур қилиб ичмоқда эди. Тўсатдан зарб билан эшик очилди-да, остонада уст-боши кирдан қорайиб кетган бир киши пайдо бўлди. У ҳамма иш изловчилардай, бош кийимини қўлига олди.

— Бой афандим, менга иш керак! !

Хўжайин уни узоқ вақт кўздан кечириб:

— Қўлингдан нима иш келади? — деб сўради.

— Мен ҳунар-техника билим юртини тугатганман. Биринчи даражали слесарман.

— Бизга токарлар керак, — хўжайин пиёладан қаҳва ҳўплади.

— Мен Германиянинг катта заводларидан бирида беш йил токарь бўлиб ишлаганман. У ердан менга берилган тавсиянома бор.

Фабрика эгасининг юзида қизиқиш аломатлари пайдо бўлди.

— Ҳмм... бизда асосан моделчиларга талаб катта.

— Мен биринчи даражали мастер-моделчиман, — деди шошиб меҳмон.

Хўжайин ўзидан маърурланиб илжайди.

— Агар дурадгор бўлганингда...

— Авф этасиз, соҳиб, мен Америкада роппа-роса тўрт йил дурадгорлик цехининг бошлиғи бўлганман.

Хўжайин ўзича бундай яхши товарни қандай қилиб бўлсада арзон баҳода қўлга туширишни ўйларди.

— Яхши, ошна, лекин бизга ишчилар керак эмас.

— Хўжам, қандай иш бўлса ҳам розиман.

— Кўринишингдан ёмон йигитга ўхшамайсан, бироқ сенга очиғини айтсам, кўп тўлолмайман. Ўшанда ҳам сени штатдан ташқари ҳолда ишга қабул қиламан.

— Раҳмат, бой афандим, мен кўп сўрамайман, қанча берсангиз, шунга розиман.

— Биз ҳатто биринчи даражали мастерларга ҳам фақат беш лира тўлаймиз. Штатдан ташқари бўлганингдан кейин кўпи билан..., кўпи билан... хўш-хўш... билмадим:.. майли кунига икки лира бўлсин.

— Раҳмат, афандим, илож қанча?

У қармоққа илинганига хўжайин хурсанд эди.

— Ҳа-а-а -а,мен ҳали бир нарсани айтганим йўқ, — тўсатдан қаттиқ гапирди у, — бизда иш куни белгиланган эмас. Кейин тўнғиллаб юрма. Одатда шунақа бўлади, бировга яхшилик қилсанг, бошинг балога қолади. Бизда кунига камида ўн бир соат ишлаш керак.

— Ҳеч нима қилмайди, бой афандим, мен ўн тўрт соат ишлайман, қўлларим узилиб қолмайди-ку.

Хўжайин ўз қулоқларига ишонмасди.

—Кейин менга огоҳлантирмади деб юрма, бизнинг бино сал-пал зах ва қоронғу.

— Зарари йўқ.

— Ҳа, айтгандек, сал бўлмаса унутарканман, мен сенга бирдан иш ҳақи тўлолмайман. Аввал ойлик синовдан ўтишинг керак. Агар ишинг бизларни қаноатлантирса, ўшандагина бир кунингга икки лира тўлаймиз.

— Майли, розиман.

— Ҳа, яна бир шарт: браккa чиқаришнинг ёки машинанинг бузилишига йўл қўйишинг мумкин. Шунинг учун ҳар эҳтимолга қарши, иш ҳақингдан 20 процентини ушлаб қоламан.

— Албатта соҳиб ҳақсиз.

— Дарвоқе, яна бир гап.

— Эшитаман, хўжайин.

— Сенга янги машина бермоқчиманку, лекин сени яхши билмайман-да.

— Тўғри, билмайсиз, хўжам.

— Шунинг учун менга бай пули беришинг керак. Ҳар эҳтимолга қарши, банкага минг лир бай пули топшириб қўйгин!

— Худо ҳаққи, бой афандим, отадан қолган эски уйимиз бор. Ўшани гаровга қўйиб, бай пулини тўлайман.

— Ундай бўлса, тўғри цехга туш-да, ҳозирдан ишни бошлаб юбор.

Боёқиш йигит чиқиши биланоқ, фабрика хўжайинининг кабинетига икки полициячи кириб келди.

— Бой афандим, бир дайди сизнинг фабрикангизга жиноҳонадан қочиб кирди. У кўпдан буён иш тополмай, аҳлдан юзиб қолган... Биз уни излаяпмиз.

Раҳим ҚОДИРОВ таржимаси.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Пазанда маслаҳати

ТУЗЛАШ

УЧИНЧИ СУҲБАТ

Бочкани олтингугурт билан дудлатиб, қайноқ сув билан ювиб юборгач, карам тўғрайсиз.

Тузланадиган карам яхши пишган, тиғиз ва картиллама бўлиши керак. Яшил барглари, заҳа бўлган жойларини ва ўзагини кесиб ташланг-да майдалаб тўғранг. Қизил сабзини ҳам арчиб ювиб, сомонча қилиб тўғрайсиз.

Карамни клёнка ёки бирор каттароқ идишга солиб туз, донадор мурч, лавр япроғи ва ҳалиги сабзи билан қориштирасиз. Буни бочкага солиб мушт билан тиғизласангиз суви чиқади. Шундай қилиб бочкани тўлдирасиз.

Бочкани юзига карам барглари-дан ёпиб устидан тоза латта ҳам ёпасиз, тепасига тўғарак қопқоқ қўйиб тош бостирасиз, икки-уч кун ўтгач бижғиш ҳосил бўлади. Бу худди хамиртуруш ёки қатиқ ивитишда рўй берадиган жараёнга ўхшайди. Яъни, карамдаги шакар моддасини фойдали бактериялар карбонат ангидрид газига ва қисман спиртга айлантиради. Аслида, қимизда ҳам тахминан шунақа жараён содир бўлади. Бижғиш учун қулай ҳаво ҳарорати 15-20 даражадир. Шундай ҳароратда бижғиш 10-15 кун ичида тугайди. Агар ҳаво ҳарорати 6—10 даражага тушиб қолса, бижғиш учун бир ойча вақт керак бўлади. Бижғиш бошланганда карам юзасида пуфакчалар ва кўпик ҳосил бўлади. Бу —ўша карбонат ангидрид ёки углекислий газдир. Кўпикни олиб ташлаб газни чиқариб юбориш керак. Бунинг учун бочканинг тубигача бир неча маротаба ўхлов санчиш зарур. Ўхлов қарағай ёғочидан бўлса ярамайди, тол ёки терак таёқча ишлатилгани маъқул.

Бижғиш жараёни тугагач бочкани ҳароратн 0—3 даражагача бўлган подвалга кўчириш керак, ёки совуқ тушиб қолса, балконда турса ҳам бўлаверади.

Ейишга тайёр бўлган карамнинг суви тиниқ, мазаси хушхўр нордонроқ, таъмида аччиқ сезилмайдиган бўлади. Сақлаш ва истеъмол қилиш жараёнида суви карамни доим кўмиб туришга эътибор қилишга тўғри келади .Сувига кўмилмаса карам қора тортиб сарғая бошлайди ва бемаза, латтасимон бўлиб қолади.

Бочка юзасида, ёпилган латта ва қопқоқда пўпанак ҳосил бўлиши мумкин. Буни олиб ташлаб, латта, қопқоқ ва бостирилган тош юкини қайноқ сувда юзиш зарурдир.

Масаллиқ: 10 килограмм тузланган карам олиш учун 12 килограмм карам керак бўлади (2 килограмм чиқитга чиқади), 1 килограмм қизил сабзи, 10 дона лавр япроғи, бир ош қошиғида донадор мурч ва 250 грамм туз керак бўлади.

К. МАҲМУДОВ.



Литва ССР Шилутск қишлоқ хўжалик техникуми боғининг ишчиси Чепонисовлар оиласи бир йўла тўрт кишига кўпайди. Чепонисовнинг хотини тўрт эгизак туғди. Қизалоқ Раса, ўғилчалар Робертас, Артурас ва Роландас жуда яхши ўсиб янти. Медицина ходимлари ҳам улардан хабар олиб туришибди.

СУРАТДА: Альбина ва Юозас Чепонисовларнинг эгизаклари Раса, Робертас, Артурас ва Роландас.

Б. Алекнавичюс фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ҲИКМАТЛАР

Туя баланд бўйли ҳайвон бўлса ҳам, унинг ризқи ердаги янтоқдир.

* * *

Ёмоннинг уруғи йўқ, у микробдай ўзўзидан кўпаяди.

* * *

Бургутнинг бир яхши одати бор. У юксакларни кўзлаб парвоз қилади.

* * *

Илон пўстини ташлаган билан заҳар сочмайди деб ўйлаш ҳатодир.

* * *

Бир жойда турган тошнинг тагидан сув ҳам четлаб ўтади.

* * *

Эзгу ишларга қўл уриш қаҳрамонларни майдонга чиқаради.

* * *

Виждонли киши пайқаб бўлмас қабиҳликни ҳам ўзига ор деб билади.

Тўпловчи К. ҲАМРО.

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

Дарахт ер билан, одам эл билан тирик.

* * *

Бир одим юрсанг ҳам мўлжалинг бўлсин.

* * *

Тўғри ёғочга тирговичнинг кераги йўқ.

* * *

Ишнинг унуми кайфиятга боғлиқ.

* * *

Пайсалга ташланган ишнинг битишидан битмаслиги аён.

О. ЎСАРОВ.
Фарғона.

ҲАР ПЎТРИДА

Ўттиз миллион ёшда

Янги ҳисобловчи асбоблар ёрдамида сувнинг ёшини аниқлаш имконияти туғилди. Москваликлар 5 йиллик сувни ичсалар. Харьков ва Полтава аҳолиси эса муз давридаги яъни минг аср аввалги сувни истеъмол қиладилар. Мацесга суви ҳозир 30 миллион ёшда.

Эшиги ҳаммага очиқ уй

Адольф Энкенинг меҳмондўст уйи кўпдан буён қадимий Таллиннинг диққатга сазовор жойларидан бири бўлиб қолди. Бу уйнинг эгаси меҳмонларга атаб тутган дафтарда машҳур саёҳатчиларнинг ёзиб қолдирган шундай сўзлари бор: «Сизнинг шаҳрингизни ва унинг мастерларини тўла биламан деган киши албатта сизнинг уйингизда бўлиши керак».

Адольф Энке —металларни зарб этиш ва бадиий чўкичлашнинг гоят нозик устаси. У умрининг кўп қисмини Таллиндаги «Терас» заводида қадимий турмуш буюмларини реставраторларнинг эскизларига биноан қайта тиклаш билан ўтказди. Огир қандилар, нозик осма асбоблар, шамдонлар ва фонуслар унинг қўли билан ясалган бўлиб, Таллин ратушаси реставрация қилингандан кейин шу ерни, Тарту университетининг катта залини безайди. Мастер пенсияга чиққанидан кейин ҳам заводга келиб, ўз тажрибаларини ёшларга ўргатмоқда.

Адольф Энке бўш вақтини уйидаги устахонасида ўтказади... Унинг уйидан бор-йўғи бир неча қадам пастга тушган туристлар қадимий дунёга келиб қолгандай бўладилар. Шипи гумбазсимон ертўла, унинг намхуш тахта-тахта деворлари бор. Энке бу ерга ўзи ясаган буюмларни: темир қопланган сандиқларни, ўймакор қилиб ишланган стол — стулларни қўйган.

Ўрта асрда бу тош ертўла Доминикан монастирига мансуб эди, кейин узоқ вақт ташландиқ бўлиб ётди. Энке тўпланиб қолган ахлатларни ертўладан чиқариб ташлаб, унинг ичини тозалади. Эндиликда у шу ерда устахонасини қилади. Кекса Энке—кўча фонарларининг чин ошиқи. У қалъа деворлари ва фонарлари орасида топилган темир парчаларига, суратларга, фотографияларга қараб кўча фонарлари ясайди. Дастлабки фонарлар Таллин кўчаларида XVIII аср бошларида ёқилган эди. Дастлаб бу фонарларда шам, кейин мой, газ ёқилган. Эндиликда Адольф Энке шаҳарга тухфа қилаётган фонарларда электр ёқилиб, бу фонарлар Таллинга аввалгидек ўзига хос хуш бағишламоқда.

Е. РАНДАМАА
(ТАСС мухбири)

Уран — энг яхши бўёқ

Археологлар Ўрта Осиё тоғларида қадимда уран ҳом ашёси қазиб олинган кўҳна конини аниқладилар. Сариқ кўк-тиниқ рангдаги уранни қадимги усталар гиламларни, сопол идишларни ва бошқа уй жиҳозларини бўяшдагина ишлатганлар.

Реклама ва эълонлар

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 25/XI да **Аида**, 26/XI да **Севги тумори**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25|XI да **Олтин девор**, 26|XI да **Алишер Навоий**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 25|XI да **Меннинг жаннатим** (билетлар сотилган), 26|XI да **Меннинг жаннатим**.

Кино

25 НОЯБРДА

Чайковский (2-серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кеч 6 дч), «ЧАЙКА» (кеч соат 8.45 минутда).

Йўлбарс изидан — «ЧАЙКА». «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кеч 8.45 минутда).

Соҳибжамол малагим (2-серия) — «ДРУЖБА», «ВОСТОК», «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН» (кечқурун).

Гул ва тош (2-серия) — НАВОИЙ номли (ўзбек тилида, кечқурун).

Бу телба дунё — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кечқурун).

26 НОЯБРДА

Чайковский (2-серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 3, кеч 6 да), «ЧАЙКА» (кеч соат 8.45 минутда).

Йўлбарс изидан — «ЧАЙКА» «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун). САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва кеч 8.45 минутда).

Соҳибжамол малагим (2-серия) — «ДРУЖБА», «ВОСТОК», «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Гул ва тош (2-серия) — НАВОИЙ номли (ўзбек тилида, кундуз ва кечқурун).

Бу телба дунё—«ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Спартак — «МОСКВА» (кундуз соат 4 да).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
25 НОЯБРДА
М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДАСИ АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР: Ўзбекистон ССР халқ артистлари **ҚУНДУЗ МИРКАРИМОВА, МУҲАММАДЖОН МИРЗАЕВ**;

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: **Камтар ОТАБОЕВ, Маҳмуд МУҲАМЕДОВ, Ғофур АЗИМОВ, Сайфиддин ЙЎЛДОШЕВ, Вилоят ОҚИЛОВА**;

VI Жаҳон фестивалининг лауреати **Анвар РУСТАМОВ**;

Солистлар: **Алижон ҲАСАНОВ, Гулшод ОТАБОЕВА, Хадича АЛИМАРДОНОВА** ва бошқалар.

Программани Назрулла ЕҚУБОВ олиб боради.
Концерт кеч соат 8 да бошланади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
(Киров кўчаси, 11-уй)

«ЯНГИ УЧРАШУВЛАР»

ЭШЛАР КОЛЛЕКТИВИ АРТИСТЛАРИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

Қизиқарли цирк томошалари.
Томошалар кеч соат 8 да бошланади.
Шанба кунлари: кундуз соат 3 ва кеч 6 да;
якшанба кунлари: кундуз соат 12, 3 ва кеч 6 да томошалар кўрсатилади.
Олдиндан билет сотиш кассаси эрталаб соат 11 дан очиқ.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА «ГАСТРОНОМ» КОНТОРАСИ сотувчилар тайёрлаш бўйича мактаб-магазинига

УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати 6 ой. Ўқувчилар 45 сўмдан 54 сўмгача стипендия билан таъминланадилар.

Тошкент шаҳрида яшайдиган 16 дан 20 ёшгача 8—10 йиллик синф маълумотига эга бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш ва практика машғулотлари тугагандан сўнг Тошкент шаҳридаги «Гастроном»ларда сотувчи бўлиб ишлайдилар.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда институт ва техникумларда ўқиш имкониятига эга бўладилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент, Хораз кўчаси, 25-уй, кадрлар бўлими. Телефон 32-38-25.

Тошкент область, Калинин район Киров қишлоқ советидаги С. М. Киров номли 1-ўрта мактаб томонидан **Тулаев Қодирали Сайдилович** номига берилган 864019 номерли ўқувчилар

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

8 декабрь кундуз соат 1 да Тошкент қишлоқ хўжалик институти агрохимия ва тупроқшунослик факультетининг илмий совет кенгашида қишлоқ хўжалик фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун **Р. Х. Ёрмуҳамедов**; «Қирғизистон ССР, Чу водийсининг суғориладиган ерларида қанд лавлагининг ширадорлиги ва уни минерал озиқлантиришнинг диагностикаси» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАЙДИ.

Диссертация билан институт кутубхонаси (Тошкент область, Оржоникидзе 4) да танишиш мумкин.

РЕСПУБЛИКА ПРОТЕЗ-ОРТОПЕДИЯ ЗАВОДИГА

(Механика кўчаси, 54а уй) қатта бухгалтер, расчёт бўйича бухгалтер, бухгалтер, пойафзалларни тайёрловчилар, дурадгор-станоқчилар, ёрдамчи ишчилар

КЕРАК

Мурожаат учун: Тошкент шаҳар. Пролетар кўчаси ,4 уй, аҳолини ишга жойлаштириш ва информация қилиш бюроси, ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

16 декабрь кундуз соат 2 да Тошкент Давлат медицина институти даволаш ва стоматология факультетларининг илмий совет кенгаши (морфология корпуси, 1-зал)да медицина фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Х. Р. Қобулова; «Чот орасидаги эски 3 даражалик жароҳатларни тикилишига доир» деган темада;

Д. И. Исмоилова; «Экспериментда жигар циррозида умумий жигар артериясини боғлашнинг оқибатлари» деган темада.

16 декабрь кундуз соат 2 да педиатрия ва санитария-гигиена факультетларининг илмий совет кенгаши (морфология корпуси, 2-залда медицина фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Р. А. Рашидова; «Тиф-паратиф касалликларида мис алмашинувига ва мис препаратларининг самарадорлигига доир» деган темада;

А. Сайдаҳмедов; «Болалардаги нефропатия касаллигида меъда ости безининг функционал ҳолати» деган темада.

23 декабрь кундуз соат 2 да даволаш ва стоматология факультетларининг илмий совет кенгаши (морфология корпуси, 1-зал)да медицина фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

К. С. Цой; «Ўт йўлларидаги яллиғланиш касалликларида қоннинг ивиши ва ивишига қарши бўлган аъзоларнинг ишини ўзгариши» деган темада;

Г. Р. Сологуб; «Ёмон сифатли ўсма бўлган организмдаги аутоиммун процесслар» деган темада.

23 декабрь кундуз соат 2 да педиатрия ва санитария-гигиена факультетларининг илмий совет кенгаши (морфология корпуси, 2-зал)да медицина фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Б. Б. Хуриев; «Ўзбекистон турар жойларининг ҳавосини қишлоқ хўжалигида метилмеркаптофос препаратини ишлатганда ифлосланиши ва унинг гигиенаси» деган темада;

Ф. И. Турсунов; «Экстраплеврал пневмолиз операциясининг узоқ оқибатларини хирургик усул билан даволаш деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан институт кутубхонаси (К. Маркс кўчаси, 103-уй)да танишиш мумкин.

ТЕЛЕВИЗОР

25 НОЯБРЬ
ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17,55 Кўрсатувлар программаси. **18.00** Ўсмирлар учун. «Орзу» (ўзбек тилида).

Рус тилида: **18.30** «АХБОРОТ» информацион программаси. **18.45** Ф. Энгельс туғилган кунининг 150 йиллиги олдидан. «Буюк ҳаёт саҳифалари». Ҳужжатли фильм. **19.15** Галина Ненашева ва Эдуард Хиль куйлайди. Фильм-концерт.

Ўзбек тилида: **19.55** ЕШ ТАХТАКОРЛАР VI БУТУНИТТИФОҚ СЛЕТИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН КОНЦЕРТ. Санъат саройидан олиб кўрсатилади. **21.55** «Ахборот» информацион программаси. **22.10** «Қотиб қолган чақмоқлар». Бадиий фильм. 1-серия.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси. **18.00** «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қишлоқ ёшлари клуби» (рус тилида).

Ўзбек тилида: **18.40** «ФАН» программаси. **19.05** «Ву ер — менинг Ватаним». Ҳужжатли фильм.

МОСКВА КУРСАТАДИ

20.00 Кўрсатувлар программаси. **20.05** Янгиликлар. **20.15** Рангли телевидение. «Олтин олма». Мультфильм. **20.30** Болалар учун. «Уста Василий ҳақида эртак». **21.00** Янгиликлар. **21.05** «СОВЕТ АРМАНИСТОНИ — 50 ЁШДА». Арманистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. Х. Арутюнянинг чиқиши. **21.15** «Бугунги Арманистон». Ҳужжатли фильм. **22.00** «Ўтмишга саёҳат». **22.25** Арманистон ССР санъат усталарининг концерти. **23.30** «ВАҚТ» информацион программаси. **24.00** Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: **20.00** «Дўстлик йўлларидан». Ҳужжатли фильм. **21.10** «Шаҳримиз йигити». Бадиий фильм.

26 НОЯБРЬ
ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: **18.00** Добронравов, Воронцов, Шалевич. «Отлиқ армия». Спектакль М. Горький номидаги рус Давлат Академик драма театридан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида «Ахборот» информацион программаси.

Ўзбек тилида: **20.35** Зокиржон Султонов куйлайди. **21.05** «АХБОРОТ» информацион программаси. **21.20** «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» журнали саҳифаларида. **22.00** «Қотиб қолган чақмоқлар». Бадиий фильм. 2-серия. **23.15** Кўрсатувлар программаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
МОСКВА КУРСАТАДИ

13.00 Кўрсатувлар программаси. **13.05** Янгиликлар. **13.15** «Шахтёрлар дўстлиги». Телеочерк. **13.45** «Бу —разведкада бўлган эди». Бадиий фильм. **15.15** Ўқувчилар учун. «Ёш хоккейчи мактаби». **15.45** Янгиликлар. **15.50** Москва кундузги кўрсатувларининг охири.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ
ДЎСТЛИК ЭКРАНИ

Рус тилида: **18.00** Янгиликлар панорамаси. **18.25** Ҳамид Олимжон туғилган кунининг 60 йиллиги олдидан. Адабий театр. «ШОИР ҲАҚИДА ДОСТОН». **19.05** КПСС XXIV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА. «Қизил тонг» тикув фирмасидан репортаж. **19.25** Дўстларимиз куйлари.

МОСКВА КУРСАТАДИ

19.50 Кўрсатувлар программаси. **19,55** Янгиликлар. **20.05** Адабиёт ҳақида суҳбат. **21.00** Янгиликлар. **21.05** Концерт. **21.30** Миллионлар ленинча университети. **22.00** Хоккей бўйича СССР чемпионати. СКА (Ленинград) — «ДИНАМО» (Москва). Танаффус вақтида ҳужжатли фильмлар. **00.15** «Вақт» информацион программаси. **00.45** Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: **20.00** «Ўрмон чорлайди». Телефильм.

Рус тилида: **20.10** «Надежда Обухова». Фильм-концерт. **20.50** «Она-қалби». Бадиий фильм.

Тошкент оқшоми 4 бет. 25 НОЯБРЬ 1970 Й.

«Вечерний Ташкент» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари—33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22 партия, совет ва касаба союз ташкилотлари шаҳар хўжалиги бўлимлари—33-29-42, адабиёт санъат ва маданият бўлимлари—33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар—33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари иллюстрация бўлимлари—33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари—33-27-03, ахборот бўлими—33-28-95, эълонлар бўлими—33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579.
НАШР 3166.
Р—01984.